БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (6598)
27 АВГУСТ
1946 йил
СЕШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Сабзавот тайёрлаш плани ўз вақтида бажарилсин

Мамлакатимизда тинч қурилиш даври бошлангандан кейин партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг моддий аҳволини янада кўпроқ яхшилашга катта э'тибор бермоқдалар. Шаҳар аҳолиси ва саноат корхоналаридаги ишчи ва хизматчиларни озиқ-овқат, шу блан бирга сабзавот ва картошка блан та'минлаш катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳада республикамиздаги сабзавот экадиган колхозлар зиммасига катта вазифа юкланади.

Сабзавот колхозлари Улуғ Ватан уруши йилларида фронтга ва мамлакат аҳолисига кўплаб сабзавот маҳсулотлари, картошка ва турли мевалар етказиб бериш блан душман устидан қозонган буюк ғалабамизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Эндиликда улар тинч шароитда меҳнаткашларни сабзавот маҳсулотлари блан ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл та'минлаш учун барча куч ва имкониятга эгалар.

Сабзавотчилик колхозларининг далаларида бу йил меҳнаткашларнинг талабини тўла равишда қондирарлик мўл ҳосил етишди. Шаҳар меҳнаткашлари, завод-фабрика ишчилари айни пайтда колхозлардан сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз, узум ва бошқа мевалар олмоқдалар. Меҳнаткашларнинг ҳозирги талаби колхозлар олдига бу ёрдамни яна ҳам кучайтириб, сабзавот маҳсулотлари блан тағин ҳам кўпроқ та'минлаш вазифасини қўяди.

Сабзавотчилик колхозларимиз давлатга маҳсулот топшириш юзасидан ўз ишларини ана шу ўсаётган талабга мувофиқ ташкил этишлари керак. Аммо, сабзавот тайёрлашнинг ҳозирги бориши мутлақо қаноатлантирмайди. Республикада сабзавот тайёрлаш плани энди 27 процент бажарилди. Сабзавот тайёрлашнинг сур'ати кундан-кун ошиши ўрнига сусаймоқда. Кейинги бешкунликда давлатга йиллик планнинг бори-йўғи 4 проценти миқдорида сабзавот топширилди.

Республикамизда тайёрланадиган сабзавот маҳсулотининг ярмидан кўпини берадиган Тошкент области йиллик планни энди 29 процент бажарди. Бошқа областьларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Наманган областида сабзавот тайёрлаш плани атиги 7,2 процент, Самарқанд областида 17 процент, Бухоро областида 18,7 процент бажарилган. Хоразм областида тайёрланган савзавот фақат 4 процентни ташкил этади. Қорақалпоғистон АССРда эса, давлатга сабзавот топшириш ҳали бошланмаган.

Бу областьлардаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, ер органлари, Тайёрлаш министрлигининг область ва район вакиллари давлатга сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида топширишдек муҳим ишга э'тиборсизлик блан қараб келмоқдалар. Фактлар шуни кўрсатадики, сабзавот экадиган районларнинг раҳбар ходимлари давлат мажбуриятига ўз вақтида сабзавот топшириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Улар далаларда етилган биринчи ҳосилдан давлатга топшира бошлаш зарурлигини колхоз раҳбарларидан қаттиқ талаб қилмаётирлар.

Давлат мажбуриятининг анчагина қисмини эртаги экилган забзавот маҳсулотлари блан тўлдириш мумкин эди. Ҳолбуки республикамизда эртаги экинлар ҳисобидан давлатга фақат 1.187 тонна маҳсулот топширилган. Бу эса йиллик планнинг атиги икки процентини ташкил этади.

Давлатга сабзавот топшириш тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг махсус кўрсатмалари бўлишига қарамасдан, колхозларда етишган маҳсулотни ўз вақтида давлатга топширишдан кўра, кўпроқ бозорга сотиш каби ярамас кайфиятлар ҳали ҳам давом этиб келади. Сабзавот колхозларининг раҳбарлари давлат мажбуриятини сабзавотларнинг ҳарбир тури бўйича тўла бажаришга қизиқмай, бир хил сабзавот ўрнига иккинчи хил сабзавот топширсамиз ҳам бўлади, деб ўйлайдилар. Улар колхознинг ишлабчиқариш планини бажаришдан кўра молия планини тўлдиришга кўпроқ қизиқадилар. Бу аҳвол колхозларда эртаги ва кўп исте'мол қилинадиган маҳсулотларнинг анчагина қисми бозорга сотилиб, давлат мажбуриятини бажаришнинг кейинга сурилишига сабаб бўлмоқда.

Асосий сабзавот райони бўлатуриб, йиллик планни энди 20,3 процент бажарган Тошкент қишлоқ районидаги колхозларнинг кўпчилиги ўз маҳсулотларини давлат мажбуриятига топшириш ўрнига, ҳар қаерга дўкон очиб қимматбаҳо блан сотмоқдалар. Шу райондаги Молотов номли колхоз (раиси ўртоқ Шамсиддинов) давлат мажбуриятини 21 процент бажаргани ҳолда, бозорга 55 тонна маҳсулот сотган. «Бирлик» колхози (раиси ўртоқ Хатам Акрамов) планни энди 23 процент бажарган. Бозорга эса 45 тонна сабзавот сотган. Колхозда етишган помидорлар ўз вақтида териб олинмаганлигидан чириб кетмоқда ва даланинг ўзидан ҳар кимларга бериб юборилмоқда.

Бундай аҳволларни сабзавот экадиган районлардаги кўпчилик колхозларда учратиш мумкин. Лекин район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, ер органларининг ходимлари ва Тайёрлаш министрлигининг вакиллари бундай ярамас аҳволлар сабзавот тайёрлашга қанчалик ёмон та'сир этиб келаётганини амалда кўрган бўлсалар ҳам, бундан тегишли хулоса чиқармаётирлар.

Сабзавот тайёрлаш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири. Бунга иккинчи даражадаги иш деб қараш меҳнаткашларни сабзавот маҳсулотлари блан тўла та'минлашнинг моҳиятига етарли баҳо бера билмасликдир.

Меҳнаткашларга яхши сифатли сабзавот ва турли меваларни кўпроқ етказиб бериш учун колхоз далаларида етишган маҳсулотни биринчи навбатда давлат мажбуриятига топшириш керак. Колхозлар сабзавотнинг ҳарбир тури бўйича давлат мажбуриятини ўз вақтида бажаришлари шарт. Маҳсулотнинг кўплаб бозорга сотилиши ва талон-тарож қилинишига қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Давлатга сабзавот ва картошка топшириш планининг тўла бажарилиши учун ҳозирги пайтда сабзавот экинлари ва картошканинг ҳосилига-ҳосил қўшиш керак бўлади. Эртаги экинлар ҳосили ҳисобидан давлат мажбуриятининг бажарилмай қолган қисмини кечки экинлар ҳисобидан тўлдириш керак. Бунинг учун кечки экинларнинг парваришини ҳартарафлама кучайтириш зарур.

Барча сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириб, давлат планларини ўз вақтида бажарайлик. Меҳнаткашларни юқори сифатли ва арзон баҳо сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, олма-узум ва бошқа ноз-не'матлар блан мўл-кўл та'мин этайлик!

ПАХТА ТЕРИМИГА ТУШДИЛАР

Ўзбекистон пахта совхозларида янги ҳосилни териш бошланди. Сурхондар'ё областидаги «Сурхон» ва «Қумқўрғон» совхозлари пахта теришга киришдилар. «Сурхон» совхозининг хирмонига 100 тоннага яқин биринчи ва отбор сорт пахта қабул қилинди.

Бухоро областидаги «Норпой» совхозининг эрта экилган участкаларида ҳам пахтани теришга киришилди. (ЎзТАГ).

◆

Бухоро область, Шофрикон районидаги Сталин номли колхоз областьда биринчи бўлиб пахта теришга киришди. Ўртоқ Ҳамро Рустамов бошлиқ бригаданинг теримчилари дастлабки кунлардаёқ нормани ошириб бажармоқдалар. Ўрунов, Салимова ва Наврўзова бошлиқ звенолар кунлик терим нормасини икки баравар ошириб бажараётирлар.

Вобкент районидаги Каганович номли, «Октябрь» колхозлари, Қоракўл районидаги Сталин номли, «Пролетарий» колхозлари ҳам пахта теримига киришдилар. (ЎзТАГ)

ҒАЛЛА ДАВЛАТГА

Бухоро области Ўзбекистонда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш планини бажарди. Фарғона области шолидан ташқари давлат ғалла мажбуриятини тўлдирди. Қашқадар'ё областининг колхозлари ва колхозчилари ҳам ўз ғалла мажбуриятларини бажариш олдида турибдилар.

Аммо, республикада ғалла тайёрлаш плани фақат 57,3 працент бажарилганига қарамай, кейинги кунларда давлатга ғалла топшириш сур'ати бирмунча пасайди. Тошкент, Сурхондар'ё областьларининг колхозлари давлатдан ҳали кўп қарздордирлар. (ЎзТАГ).

ҚАНД ЛАВЛАГИ ҚАЗИЛА БОШЛАДИ

Тошкент районидаги колхозларда қанд лавлаги ҳосили қазила бошлади. «Қурилиш», «Эркин», Ленин номли колхозлар 22 августдан янги ҳосилни қазиб, давлатга топшира бошладилар. Бу колхозлар 295 тонна ҳосил қазиб 118 тонна лавлаги топширдилар.

«Қизил юлдуз» колхозининг ўртоқ Ақида Низомиддинова бошлиқ звеносида мўл ҳосил етишди. Звено а'золари 0,15 гектар ўртача ҳосил бўлган ердан 55 центнер лавлаги олдилар. «Қизил шарқ» колхози 2 гектар ердан 370 центнер ҳосил олди.

Совет Иттифоқида

ТОЖИКИСТОНДА БИРИНЧИ ҚУЙИШ — МЕХАНИКА ЗАВОДИ

КОНИБОДОМ (ТАСС). Тежикистоннинг Конибодом шаҳрида қурилган биринчи қуйиш—механика заводи маҳсулот бера бошлади.

ВИННИЦАДА АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИ

ВИННИЦА, 23 август (ТАСС). Винницада янги асбобсозлик заводи қурила бошлади. Заводга юзларча янги станоклар келтирилди. Ҳозир биринчи навбатда қурилаётган цехларга ускуналар ўрнатилмоқда. Завод саноат корхоналари ва машина-трактор станциялари учун йигирма тўрт хил асбоб ишлаб чиқаради.

ФРУНЗЕДА МОТОР-РЕМОНТ ЗАВОДИ

ФРУНЗЕ, 23 август (ТАСС). Фрунзеда мотор-ремонт заводи қурилмоқда. Қуйиш ва механика цехлари қурила бошлади. Қуриб битказилган темирчилик-пресс цехида яқин кунларда ускуналар ўрнатилади.

Янги завод МТСлар учун автомашиналар, тракторлар, моторлар ва ма'дан ишлайдиган станокларни ремонт қилади. Қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ва ишхоналар учун асбоблар ишлаб беради.

Янги бешйилликнинг охиригача завод ҳузурида ишчилар ва мутахассислар учун 13 та уй-жой биноси, поликлиника, болалар боғчаси, ошхона ва бошқа бирқанча бинолар қурилади.

КОМБАЙНЧИ А. И. ОСЬКИН 3000 ГЕКТАР ҒАЛЛА ЎРДИ

СТАЛИНГРАД, 23 август (ТАСС). Талов МТСида ишлаётган мамлакатнинг донгдор комбайнчиси Архип Иванович Оськин яна катта муваффақиятга эришди. У ўрим-йиғим бошлангандан буён «Сталинец» типидаги икки комбайн блан 3.000 гектар ғалла ўрди.

Городишченск МТСида ишлаётган комбайнчи Поступаев ва Котов МТСида ишлаётган Проскуров ўртоқлар ҳам яхши муваффақиятларга эришдилар. Ўртоқ Поступаев «Сталинец» комбайни блан 860 гектар, ўртоқ Проскуров «Коммунар» комбайини блан 715 гектар ерининг галласини ўриб-йиғиб олди.

ФРУНЗЕДА ТРОЛЛЕЙБУС

Ҳозир Фрунзе шаҳрида Москвадан келган «Дортранспроект» бригадаси ишламоқда. Қирғизистон пойтахтида қуриладиган троллейбус трассаси аниқланмоқда. Биринчи галда вокзалдан Ворошилов қишлоғига ва гўшт комбинатига борадиган, жам'и 14 километр масофада троллейбус юргизиш мўлжалланади.

(«Қизил Қирғизистон»)

СИРДАР'ЁГА КЎПРИК

Қизил Ўрда шаҳри ёнида Сирдар'ёга понтон кўприк қурила бошланди. Кўприкнинг узунлиги 200 метр бўлади ва дар'ёнинг чап қирғоғидаги қишлоқларни шаҳар блан боғлайди.

(«Социалистик Қозоғистон»).

«ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН» ТОЖИК САҲНАСИДА

Сталинободдаги Ленин орденли Тожик Давлат опера ва балет театри Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операсини саҳнага қўйди. Татьяна ролини Тожикистон ССР халқ артистлари Туҳфа Фозилова ва Рена Галибовалар, Онегин ролини Тожикистон халқ артисти А. Муллақандов ва артист Аркадий Наматиев, Ленский ролини З. Муллақандовлар ижро этмоқдалар.

(«Коммунист Таджикистана»).

ҚОРАҚУМ КАНАЛИ

Тўртинчи бешйилликда Туркманистонда Қорақум каналини қура бошлаш мўлжалланган. Ҳозир тайёрлик ишлари қизиб кетди.

Канал Амудар'ё бўйидаги Карки шаҳридан бошланади ва тўғонсиз бўлади. Аввало Амудар'ё суви Қорақумдаги эски дар'ё изи блан оқиб, ҳозир қуриб қолган чуқурликка тўпланади. Бу чуқурликда ҳосил бўлган кўлнинг сатҳи 32 квадрат километр, я'ни 350 миллион кубометр сув сиғади. Бу кўлдан оқиб чиққан сув Мари шаҳригача боради ва Мурғоб дар'ёсига қуйилади. Каналнинг охирги қисми Марийдан ғарбга давом этиб, то Тажан дар'ёсига ва Копеттоғ этакларигача етади.

Умуман, канал Туркманистоннинг 200 минг гектардан ортиқ дашт ерларини суғоради. Каналда кемалар юради. 666 километр узунликдаги бу иншоот дун'ёда энг катта канал бўлажак.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўролдаги, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги корхоналарда ва қурилишларда ишлаётган ишчилар ҳамда инженер-техник ходимлар учун иш ҳақини ошириш ва уй-жой қуриш тўғрисида

Ўрол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларининг оғир иқлим шароити кўмир, руда, нефть чиқаришда металлургияда, қурилишларда ва юк ортиш-юк бўшатиш ишларида оғир меҳнат блан банд бўлган ишчилар ва инженер-техник ходимлар учун қўшимча қийинчиликлар туғдирганлигини назарга олиб,—СССР Министрлар Совети: а) юқорида кўрсатилган категориялардаги ишчилар ва инженер-техник ходимлар учун иш ҳақини мавжуд нормага нисбатан оширишни, шунингдек б) Ўролда, Сибирьда ва Узоқ Шарқда уй-жой қурилиши программасини, биринчи навбатда оғир ишларда банд бўлган ишчилар ва инженер-техник ходимлар учун уй-жой қурилиши программасини анча кенгайтиришни зарур деб ҳисоблайди.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети шу мақсадда қарор қилди:

1. Ўролда, Сибирь ва Узоқ Шарқда қуйидагиларга 1946 йил 1 сентябрьдан бошлаб иш ҳақи 20 процент оширилсин:

Кўмир саноати корхоналарининг кўмир чиқаришда ва юк ортиш-юк бўшатиш ишларида бевосита банд бўлган ишчиларига ва инженер-техник ходимларига;

қора ва рангдор металлургия корхоналарининг иссиқ цехларида, тоғ корхоналарида ва юк ортиш-юк бўшатиш ишларида бевосита банд бўлган ишчиларга ва инженер-техник ходимларига;

нефть саноати корхоналарининг нефть чиқаришда пармалаш ишларида бевосита банд бўлган ишчиларга ва инженер-техник ходимларига;

торф, графит, слюда, асбест чиқаришда ва цемент ишлашда, шунингдек туз чиқаришда банд бўлган ишчиларга ва инженер-техник ходимларига;

химия саноатининг зарарли ва иссиқ цехларидаги ишларда, конларда ва юк ортиш-юк бўшатиш ишларида бевосита банд бўлган ишчиларига ва инженер-техник ходимларига;

оғир саноат корхоналари, ёқилғи, ҳарбий ва ҳарбий-денгиз корхоналари, қора металлургия министрликлари, СССРнинг шарқий районларидаги нефть саноати министрлиги, рангдор металлургия ва химия саноати министрликларига қарашли қурилишларнинг бевосита қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ишчилари ва инженер-техник ходимларига.

2. Белгилансинки, шу қарорнинг биринчи моддасига мувофиқ, СССР Министрлар Совети тасдиқ қилган рўйхатга биноан Ўрол, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги 727 корхона ва қурилишда ишлаб турган 824.000 ишчи ва инженер техник ходимнинг иш ҳақи оширилади.

Мазкур ишчилар ва инженер-техник ходимларининг иш ҳақи оширилиши муносабати блан тегишли министрликларнинг йиллик иш ҳақи фонди 1 миллиард 400 миллион сўм кўпайтирилсин.

3. Ўрол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида уй-жой қуриш юзасидан тузилган план тасдиқлансин ҳамда бу план 1946 йилнинг иккинчи ярми ва 1947 йил мобайнида бажарилсин:

Жам'и 4 миллион 200 минг квадрат метр ҳажмида ҳаммаси бўлиб 60.750 уй-жой қурилсин, шу жумладан: ёғоч ва тошдан қуриладиган икки-уч хоналик (ёнида ошхонаси бўлган) 50.650 та якка уй;

тош ва ёғочдан қуриладиган жам'и 55.000 квартирли 10.100 коммунал уй-жой биноси.

4. 1946 йилнинг иккинчи ярмида ва 1947 йилда қуриладиган 50.650 та якка уй қуйидаги баҳо блан корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига сотиладиган бўлсин:

ошхонаси бўлган икки хонали ёғоч уй 8 минг сўм ва тош уй 10 минг сўм;

ошхонаси бўлган уч хонали ёғоч уй 10 минг сўм ва тош уй 12 минг сўм.

5. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга ўзлари учун турар уй сотиб олиш имкониятини бериш мақсадида, Марказий Коммунал Банкига икки хонали уй сотиб олучилар учун 10 йилда тўлаб бўлиш шарти блан 8—10 минг сўм миқдорида ва учхонали уй сотиб олучилар учун 12 йилда тўлаб бўлиш шарти блан 10—12 минг сўм миқдорида қарз бериш мажбурияти юклансин. Бу қарздан фойдаланганлик учун йилига бир процент олинади.

СССР Молия министрлигига ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга қарз бериш учун 1 миллиард сўм пул ажратиш мажбурияти юклансин.

Халк маорифи ходимларининг республика кенгаши

Халқ маорифи ходимлари республика кенгашининг 23 ва 24 август кунларидаги мажлисларида ЎзССР Маориф министри ўртоқ Муродхўжаевнинг доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Наманган область маориф бўлимининг мудири ўртоқ **Назаров** областьда ўқув йилининг якунлари ва янги ўқув йилига тайёрлик ҳақида гапирди. Наманган область мактабларида та'лим-тарбия ишлари аввалги йилларга қараганда анча яхшиланди. Ўқувчиларнинг ўқишга давоматларида силжиш бўлди. Область бўйича давомат 80 процентгача етди. Поп, Уйчи районларида ва Чуст шаҳаридаги мактабларда давомат 90 процентгача кўтарилди. Лекин халқ маорифи ишларида жиддий камчиликлар тамомила тугатилгани йўқ. Ўтган ўқув йилида 8.129 бола ўқишдан четда қолди. Наманган ва Янгиқўрғон районларида умумий та'лим плани бажарилмай қолди. Норин районидаги X синфларнинг 59 ўқувчиси етуклик аттестатига имтиҳон беролмади. Янгиқўрғон район Зарбдор қишлоқ советидаги тўлиқсиз ўрта мактабнинг IV, V, VI ва VII синф ўқувчилари тил ва адабиётдан синов имтиҳонларидан ёппасига ўтолмадилар.

Хоразм область партия комитети мактаблар бўлимининг мудири ўртоқ **Каримов** ўз сўзида областьда умумий та'лим планининг бажарилмагани ва ўқув йилига тайёрланиш бўш бўлганини айтди. Айни вақтда ЎзССР Маориф министрлиги ҳам область мактабларини методик қўлланма, дарсликлар блан ўз вақтида та'минламади. Ўқитувчиларга ёрдам берадиган метод кабинетлари ёмон ишлади. Ҳозир ҳам областьга дарсликлар, ўқув қуроллари ва методик қўлланмалар юборилгани йўқ. Иккинчидан, областьда ўқитувчи кадрлар етишмайди. Малакали, олий ма'лумотли ўқитувчилар камлигидан ўқув сифати паст бўлди. Область мактабларида ўқув сифати пастлигидан 348 синф синов ва имтиҳонларга кириш ҳуқуқидан маҳрум этилди. 27 мингдан ортиқ бола синфдан синфга кўчолмади. 15 та X синф етуклик аттестати имтиҳонларига киритилмади. 70 та мактабда ўқитувчи бўлмаганидан рус тили мутлақо ўқитилмади ва ҳоказо.

Янги ўқув йилига тайёрланишда ҳам область орқада қолмоқда. Эндигина 80 процент мактаблар ремонт қилинди. Фақат 8 та мактаб биноси қурилиб битди. Область ташкилотлари мактабларга жамоатчилик ёрдамини уюштирмадилар.

«Ўзбекбирлашув» президиумининг раиси ўртоқ **Сибирцев** мактабларни дафтар-қалам кабилар блан та'минлаш қониқарсиз бораётганини э'тироф этиб, қишлоқ ўқитувчиларини озиқ-овқат ва саноат моллари блан та'минлашда район савдо ташкилотларининг ёмон ишлаётганликларини айтди. Ба'зи жойларда «Ўзбекбирлашув»нинг район, қишлоқ савдо бўлимларида ўқитувчиларга давлат томонидан берилган моллар талон-тарож қилиниши каби ёмон аҳвол юз бермоқда. «Ўзбекбирлашув» правленияси бундай ярамас ҳолларга хотима бергани йўқ. Бухоро ва Андижон областьларининг мактаблари етарли равишда ўқув қуроллари блан та'минланмаган.

Андижон область комсомол комитетининг мактаблар бўйича секретари ўртоқ Ҳайдаров область мактабларидаги комсомол ва пионер ташкилотларининг иши ҳақида сўзлади. Ўртоқ Ҳайдаровнинг айтишича, мактабларда комсомол, пионер ишларида жуда жиддий нуқсонлар бор. Бу ташкилотлар фаолиятининг сустлиги ўқув ишларига ҳам та'сир этмоқда. Комсомол ва пионер ташкилотлари ВЛКСМ XII пленумининг кўрсатмаларини етарли амалга оширмаётирлар. Мактаблардаги комсомол ташкилотлари ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиясига тузук аҳамият бермай келадилар. Мактабларда турли тўгараклар, спорт майдончалари йўқ. Область бўйича пионерлар саройи ташкил қилинмаган. Пионерлар галстук ва значок тақиб юрмайдилар. Ўқишда қолоқ ва дарсларга ёмон давом этучи комсомол а'золари ва пионерларга та'сир кўрсатиш йўлга қўйилмаган ва ҳоказо.

Ўртоқ Ҳайдаров пионерлар уйи учун бино берилишини, болалар учун тегишли китоб, қўшиқ-ашулалар яратиб берилиши масаласини ўртага қўйди.

ЎзССР Фанлар академиясининг вице-президенти профессор **Т. А. Саримсоқов** ўз сўзида физика-математика предметларини ўқитиш методлари ҳақида гапириб ўтди. Физика-математика, умуман фан асосларини ўқитишдаги формализмга барҳам бериш, илмий терминларни ишлатишдаги анархияни йўқотиш лозим. Предметларни ўқитганда ҳозирги замон илғор фанининг, совет фанининг ютуқларига суянган ҳолда болаларга билим бериш шарт.

Ўрта Осиё Давлат университети педагогика кафедрасининг мудири ўртоқ **Лубенцов** ўқитувчиларнинг педагогик билимларини ошириш, ўқитиш методларига тўла риоя қилиш ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Давлат нашриётининг директори ўртоқ **Шамшаров** нашр қилинган ва қилинаётган дарслик китобларининг сифатини яхшилаш учун тажрибали ўқитувчи, методистларнинг кўпроқ ёрдами, фикрлари зарурлигини айтди. Ўртоқ Шамшаров, ҳозир 21 хил дарслик босмадан чиқди, 49 хил дарслик эса 20 сентябрьгача нашр қилиниши лозим, деди.

Қашқадар'ё область маориф бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ **Нам** областьда умумий та'лим планининг бажарилиши ҳақида гапирди. Областьда 80 процент бола ўқишга тортилган. Лекин ўқиш сифати, — дейди ўртоқ Нам, — мутлақо қониқарсиз. Мактаблардаги 74 минг ўқувчидан 37 минги ўз синфида қолди.

Музокарага чиққан ЎзССР Савдо министри ўртоқ **Рашидов** ўқитувчиларни озиқ-овқат ва саноат моллари блан та'минлаш плани бажарилмаганлигининг сабабларини айтиб берди. Бунинг учун, даставвал, савдо ташкилотлари айбли. Ўзбекистон Савдо министрлиги ҳам бу ишга жиддий аҳамият бермаётир, деб э'тироф этди министр.

ЎзССР Маориф министрининг ўринбосари ўртоқ **Х. Турсунов** республика мактабларининг ўқитувчи кадрлар блан та'минлашдаги нуқсонлар ҳақида гапириб, шундай деди: республика мактаблари учун 4,5 минг ўқитувчи етишмайди. Айниқса олий ма'лумотли ўқитувчиларга талаб катта. Бунга қарамасдан, ба'зи жойларда олий ма'лумотли ўқитувчилардан тўғри фойдаланилмайди, уларга кўпинча қуйи синфларни топшириб қўядилар. Кадрларни тўғри тақсимлашда ҳам жиддий иш олиб борилмаётир. Масалан, Тошкент областининг Янгийўл районида 40 тача ўқитувчи ортиқча, лекин Оққўрғон районида эса жуда кўп ўқитувчи етишмайди ва ҳоказо.

Ба'зи областьларда ўрта мактабларнинг миқдорини ҳаддан ошириб юбориш натижасида олий ма'лумотли ўқитувчилар етишмаётир. Ўқитувчи кадрларнинг малакасини оширишда ҳам суст ишлаётирмиз. Республикада 16 минг ўқитувчи тўла ўрта ма'лумотга эга эмас. Биргина Хоразм областининг ўзида 600 ўқитувчи бошланғич мактабда ҳам дурустроқ дарс беролмаётир. Мана шундай ўқитувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш — энг асосий вазифаларимиздандир.

Бу йил сиртқи ўқишга 12 минг ўқитувчи тортилди. Лекин, ўқитиш яхши бўлмади. Сиртқи бўлимлар программа, ўқув қуроллари ва топшириқлар блан ўз вақтида та'минланмади. Айниқса Хоразм, Қашқадар'ё, Сурхондар'ё ва Қорақалпоғистонда ўқитувчилар тайёрлаш ёмон. Буни яхшилаш учун ЎзССР Маориф министрлиги ҳам жиддий чоралар кўрмади.

Тошкент область халқ маориф бўлимининг мудири ўртоқ **О. Ғуломов** областьдаги мактабларни янги ўқув йилига қандай тайёрлаганликлари ҳақида гапирди.

ЎзССР Маориф министрининг ўринбосари ўртоқ **Е. Рачинская** ўқитиш методикаси ва ўқиш сифатини яхшилаш чоралари ҳақида муфассал тўхталди. Мактабларимизда ўқиш сифатини тубдан яхшилаш учун, — дейди ўртоқ Рачинская, — дарс берганда кўргазмали методни унутиш ярамайди. Физика, химия, табиёт предметлари ўқитилганда лаборатория ишлари блан боғлаш ўзлаштиришнинг кўтарилишига сабаб бўлади. Лекин бизда кўп вақт бунга э'тибор берилмайди. Ўртоқ Рачинская, ўқувчиларнинг мустақил дарс тайёрлашларига жиддий аҳамият бериш, такрорлаш ишларини ўз вақтида ўтказиш ўқитувчиларнинг иш усули бўлмоғи керак, деди. Ўртоқ Рачинская мактабларда рус тили ва ўзбек тили, адабиёти предметларини ўқитишдаги методик камчиликларни кескин танқид қилди.

Кенгашда ЎзК(б)П Марказий Комитети мактаблар бўлимининг мудири ўртоқ **В. Валиев** сўзга чиқиб, ЎзК(б)П Марказий Комитети XII пленумининг қароридан сўнг мактаблар ишида ўзгариш кўринса ҳам, ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозимлигини айтиб ўтди. Сталинча тўртинчи бешйиллик план бўйича, — дейди ўртоқ В. Валиев, — Ўзбекистонда умумий мажбурий та'лим тўла амалга оширилиши лозим. Ваҳоланки, ҳозирда мактабдан четда қолган болалар урушдан аввалгига қараганда ортиқроқ. Айниқса узоқ районлардаги болалар ва болалар уйларида тарбияланучилар, ёши ўтиб қолган ўсмирларни ўқитишга кам аҳамият берилмоқда. Ўртоқ Валиев ЎзССР Маориф министрлиги ишидаги камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилди. ЎзССР Маориф министрлиги ўзи чиқарган қарорларнинг қандай бажарилаётганини текшириб кўрмайди. Шунингдек, маориф министрлиги узоқ областьларга алоҳида э'тибор қилмайди.

Кенгашда ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Усмон Юсупов** катта нутқ сўзлади. Ўртоқ У. Юсупов ўз сўзида халқ маорифи ишида давом этиб келаётган жиддий нуқсон ва хатоларни таҳлил қилиб, бу хато ва камчиликларни тугатиш тадбирларини кўрсатиб берди. Бунинг учун, даставвал, партия ва совет ташкилотлари халқ маорифи ишига раҳбарлик қилишда расмиятчиликка барҳам бериб, мактабларга мунтазам ёрдам беришлари керак.

Кенгаш кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилди. Кенгаш қатнашчилари ўртоқ Сталинга табрик телеграммаси юбордилар.

„Шарқ юлдузи“ журнали ҳақида

Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзи ўзининг «Шарқ юлдузи» номли ойлик адабиёт ва сан'ат журналини нашр эта бошлади. Ҳозиргача журналнинг бешта сони чиқди ва тарқатилди. Адабиётимиз ва сан'атимиз соҳасида яратилган энг яхши асарларни муттасил босиб туришга, ўзбек совет адабиётининг бундан кейинги ривожланиши учун ўз большевистик танқиди блан ёрдам беришга да'ват этилган журналнинг чиқа бошлаши жамоатчиликни қувонтирди.

«Шарқ юлдузи» журналининг босилиб чиққан сонларида адибларимиз, шоирларимиз, драматургларимизнинг кўзга кўринарли асарларига ўрин берила бошлади. Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романидан олиб босилган парчалар, Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи, Ғафур Ғуломнинг ше'рлари, А. Тожибоевнинг «Кўтарилган гумбаз» драмаси, М. Шевердиннинг «Ғолиб Санжар» романидан берилган парча чиндан ҳам бадиий юксакликдаги, ўз олдига катта-катта масалаларни қўйган асарлардир.

Мамлакатимиз Ватан урушида катта ғалаба қозониб, тинч қурилиш, янги сталинча бешйиллик даврига кирди. Янги қурилишлар, ижодий кўтаринкилик ва ҳаётимизнинг ҳозирги юксалиши совет ёзувчисидан кўп нарса талаб этади. Ўзбек халқининг Ватан урушидаги иштирокини, ўзбек ишчисининг, пахтакорининг, ғаллакорининг, чорвадори, боғдори ва зиёлисининг социалистик қурилиш соҳасидаги кураши, орзуси ва интилишларини бадиий адабиёт асарларида кўрсатиб бериш ўзбек совет адабиётининг биринчи галдаги вазифасидир.

Олдимизда мана шундай муҳим ва актуал вазифалар турган бир вақтда, «Шарқ юлдузи» журналининг саҳифаларида, юқорида санаб ўтилган яхши асарлар блан бир қаторда, ғоявий жиҳатдан бўш, сиёсий жиҳатдан тутуруқсиз, бадиий жиҳатдан хом бўлган асарлар ҳам босилмоқда.

Журналда босилган кўп ше'рлардаги ғоя ва фикрлар ўзбек халқининг ҳозирги ҳаёти, кураши ва интилишига ҳамоҳанг эмас, улар сиёсий ва бадиий жиҳатдан халқнинг талабларига жавоб беролмайди.

Собир Абдулланинг журналнинг 1—2 сонида босилган «Чарас қилдим» ва «Истар» ше'рлари шундай асарлар қаторига киради. С. Абдулла «Чарас қилдим» ғазалида «чарас кўзлар хаёлида» боғ кезади, севгилиси лоф уриб юради, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Шу қадар бадбин бўлиб кетадики, унинг боқишидан ҳамма узумлар қорайиб, «чарас» бўлиб кетади. С. Абдулла «Истар» деган ғазалида ҳам худди айни фикрларни, айрилиқни, ёр жамолини излашини куйлайди. Яна ўша гул, ўша булбул, ўша тикан, ўша зор ва беморлар тараннум қилинади. Бу ғазалларда куйланган муҳаббат совет кишисининг, социалистик Ватан ёшларининг муҳаббати эмас. Бу муҳаббат меҳнаткаш халқнинг юрак орзуларидан йироқ бўлган, ҳаётдан ажралган муҳаббатдир. С. Абдулланинг бу ғазаллари қуруқ сан'атбозликнинг, ғоявий-сиёсий мақсадлардан узоқ бўлган ғазалбозликнинг намуналаридир.

Журналнинг яна шу сонида Зулфиянинг «Хаёллар» деган ше'ри босилган. Зулфия ўз ше'рида ҳар оқшом узоқ хаёлларга чўмишини, хаёлларни чечакка ўраб, фақат шундангина илҳомланишини, қуруқ хаёллардагина ўзининг юпанч дунёси эканлигини куйлайди. Шубҳалар уни жаннатга ёки дўзахга судрайди:

«Келасизу, ақлимни олиб,
Узоқ-узоқларга қочасиз.
Дам жаннатга қилиб рўбару,
Дам дўзахга эшик очасиз».

Зулфия шундай деб нола қилади. У, «Шарқ юлдузи» журналининг саҳифасида босилган шу ше'рида мистик хаёлларни тарғиб қилади. У, самарасиз манзараларни, париларга ўхшаган қанотли хаёлларни тасвирлайди:

«Сизчи, мени этасиз мафтун,
Уйим чўлғаб елписиз қанот».

Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзи ва журнал редакцияси Зулфия ижодидаги бундай хатоликларнинг олдини олиш, уни танқид қилиш ўрнига, унинг пессимистик ше'рларига ўз саҳифаларидан жой бериб, бу ше'рларни жамоатчиликка тақдим қилмоқда.

Бундай кайфиятларни фақат С. Абдулла ва Зулфиянинг ше'рларидагина кўрмаймиз. Ёш шоир Ю. Шукрулла ҳам ўз ше'рида тинчликка, осойишталикка, якка суҳбатларга бўлган майлини изҳор қилди. У, ҳозирги куннинг шовқинли, қайноқ ҳаётидан узоқлашишни, ойдин кечаларни, сокин денгиз қучоғини макон этишни истайди. У, «Денгизда бир кеча» деган ше'рида шундай кайфиятни тарғиб қилади.

Ба'зи ше'рларда парилар, ҳурлар, ғулмонлар, афсонавий жаннат қушлари ҳанузгача тараннум этилади. Зокир Ҳабибий «Ёрини кутган ёр қўшиғи» деган ше'рида афсонавий Ҳумо қушини бахт келтирувчи деб та'рифлайди. Бу нарса ба'зи шоирларимизнинг марксизм-ленинизм ғоялари блан қуролланмаганини, бунинг орқасида, улардаги бу қусур бадиий ижодда ҳам ўз ифодасини топаётганини кўрсатади. Бундай ҳолга қаттиқ зарба беришимиз керак. Мана шундай ёзувчиларнинг ёзган ҳарбир асарини босабериш ўрнига, уларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси блан шуғулланишимиз, уларни марксизм-ленинизм назарияси блан қуроллантиришимиз, уларнинг тарбияси тўғрисида кўпроқ бош қотиришимиз керак.

Журнал редакцияси томонидан ёзувчиларга қаттиқ талаб қўйилмаётгани ба'зи йирик шоирларимизнинг ижодида ҳам ғоявий жиҳатдан бўшашиш, фақат ишқий мавзу'ларга берилиб кетиш кайфиятлари туғилишига сабаб бўлмоқда.

Шоир Уйғуннинг журналнинг 4—5 сонида босилган «Сенинг ше'рларинг» деган ше'рлари бунга яққол мисол бўла олади. Шу сарлавҳа остида босилган 4 ше'рда Уйғун бир қизни севиб қолганини, у қиз шоирни шубҳа оловида ёндирганини, шоир унинг йўлида жонидан кечишга тайёрлигини, севгини ҳар қанча сир тутса ҳам бари бир очилишини, ниҳоят, қиз ёнига келиб, севиниб қолганини куйлайди. 4 та ше'р фақат шу битта мавзу'га —ёлғиз севгининг ўзига бағишланган.

Севгини куйлашни ҳеч ким ман' қилолмайди. Инсоний ва олижаноб севги кўп асрлардан бери бадиий адабиётимизнинг энг гўзал мавзу'ларидан бири бўлиб келди. Совет воқи'лигида ҳам севгининг ма'носи жуда кенг. Биз ҳаммадан бурун Ватан севгисини, халқ севгисини куйлашимиз керак. Ёр севгиси Ватанга бўлган буюк севгимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида яшамоғи лозим. Уйғун каби шоиримизнинг қуруқ, ҳаётдан, умумий курашимиздан ажралган ишққа бир эмас, тўртта ше'р бағишлаши ва бир хилдаги бу ше'рларнинг журналнинг бир сонида қатор босилиши китобхонларни таажжубга солмасдан қололмайди.

Уйғун ўзининг бу ше'рлари блан ўзбек совет поэзиясига ҳеч қандай янгилик киритмади. Унинг бу ше'рларидаги фикрлар ўзи томонидан ва бошқа кўп шоирлар томонидан такрорланган, чайналган ва адабиётимиз учун актуал бўлмаган фикрлардир.

«Шарқ юлдузи» журналининг асосий камчиликларидан бири шуки, унда ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушидаги иштирокини, пахтачилик бобидаги курашини, сув ва нур учун юришини, янги сталинча бешйилликдаги ғайратини бутун тўлалиги блан кўрсатиб берувчи ше'рий асарлар деярлик учрамайди.

«Шарқ юлдузи» журналининг иккинчи асосий камчилиги шуки, «Қуёш қораймас», «Қўшчинор» романларидан олиб босилган парчаларни ҳисобга олмасак, бу журналда юксак савиядаги, катта сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган проза асарлари босилмаётир.

Журнал саҳифаларида халтурага кенг ўрин берилган. Ўткур Рашиднинг «Энди раиснинг юзи ёруғ» деган ҳикояси бунга яққол мисол бўла олади. Бу «ҳикоя»да колхоз раиси Холмат ака йиғим-теримда ёмон ишлагани учун райком секретаридан танқид эшитади. Шундан кейин, ишни яхшиламоқ мақсадида, қишлоққа йўл олади. Лекин қишлоққа у етиб келгунча, райком секретари Ражабов блан колхоз партия ташкилотининг секретари Нурматов ишни ташкил қилиб қўйган, йиғим-терим қизиб кетган, план бажарилган бўлади. Китобхон: Холмат аканинг юзи нега ёруғ бўлди, деган саволга жавоб тополмайди. Бунинг устига, ҳикоя деб тавсия қилинган халтуранинг нимаси ҳикоя эканлиги ҳам аниқ эмас.

«Шарқ юлдузи» журналининг редакцияси проза асарларининг сиёсий мазмуни ва бадиий савиясига алоҳида э'тибор бериши керак.

«Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида адабий танқид ҳам ачинарли аҳволда. Журнал ўзбек совет адабиётининг ҳозирги аҳволини таҳлил қиладиган ва бундан кейинги юксалиш учун йўл кўрсатиб берадиган бирорта танқидий мақола босгани йўқ. Журнал саҳифаларида жой олаётган «танқидий» мақолалар эса, ўртача савиядаги асарларга мадҳия ўқиш ва қилинган озгина ишлар ҳақида жар солиш блан кифояланиб қолмоқда.

Адабиёт ва сан'ат соҳасида вазифаларимиз жуда актуал ҳам мас'улиятли. Бу вазифаларни бажариш учун илмий, марксистик, соғлом танқид керак. Адабиёт ва сан'атдан халтурани қувишимиз керак.

Журнал саҳифаларида адабий танқидга кам аҳамият берилмоқда. Халтура асарларга журнал саҳифаларида кенг йўл очиб қўйилган.

Журналда Ҳомил Ёқубнинг: «Абдулла Қаҳҳор новеллалари ҳақида» деган мақоласи босилган. Журналнинг ҳар беш сонидан катта-катта ўринни эгаллаган бу «адабий танқид» ўз олдига қўйган вазифаларни бажаролмаган: адабиётимиз олдига юксак талаблар қўйиш у ёқда турсин, ўзи ғоявий ва бадиий жиҳатдан жуда бўш.

Ҳ. Ёқубнинг бу мақоласи жуда чўзиқ, унинг тили ғализ, китобхон бу мақолани қизиқиб ўқимайди, уни ўқиб чиққан киши эса, Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида юргизилган чигал мулоҳазалар, принципсиз фикрларга дуч келади. Танқидчи ёзувчининг турмушни қанчалик реал тасвирлаганини, унинг ижодида ижтимоий масалалар қандай акс эттани ва ёзувчи олдида бундан кейин қандай муҳим ижодий вазифалар турганини аниқ кўрсатиб беролмайди. Бунинг ўрнига, танқидчи ёзувчининг ижодий йўлига хронологик жадвал ясайди, ёзувчининг асарларини рўйхатга олувчилик ва шарҳловчилик вазифасини бир нав'и бажаради, халос. Ҳ. Ёқуб кўп ҳолларда Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий ҳикояларини бадиийликдан узоқ бўлган тилда ҳикоя қилиш блан кифояланади ва бу блан китобхоннинг вақтини бекорга банд қилади.

Ҳомил Ёқубнинг танқидида принцип йўқ. У, ёзувчининг нуқсонларини кўрсатса ҳам, шу нуқсонларни яна ўзи ҳимоя қилиб, бўяб кетади. У, «Рўдапо» ҳикоясини танқид қилиб, ундаги образнинг бир ёқламалигини кўрсатади. Лекин, шунинг кетидан: «ёзувчининг социалистик қишлоқ кишисининг янги хислатини олдиндан кўра билиши бу образни яратишдаги бир ёқламаликни босиб кетди», деб, ўз фикрига ўзи қарши чиқади.

Ҳ. Ёқубнинг фикрича, ижоддаги бир жиддий нуқсонни яна шу ижоддаги бошқа бир ютуқ босиб кетар эмиш.

Бу албатта, нотўғри ва принципсиз фикр.

Ҳ. Ёқуб мақоласининг тили ёмон. Унда чигал иборалар, мужмал жумлалар кўп. Мақоланинг кириш қисмида шундай «жумла» бор: «Ҳатто ёзувчи ба'зан **халқ ижодининг айрим эпизодларини ижодий қайта идрок этиб,** (Биз чиздик. Ред). уларни ўз асарларининг ичига **органик қисм** сифатида қўшиб юборади. У халққа хос юмор ва **реал-фонтастик элементларни** ҳам сақлаб қолади».

Ана жумлаю, ана фикр!

Бундай «соф адабий» ибораларни Ҳ. Ёқуб мақоласидан истаганча топиш мумкин.

Ҳ. Ёқуб ўз фикрини гоҳо шу қадар чигал ва тўмтоқ ифода қиладики, китобхон ҳеч нарса тушинолмай, гангиб қолади. Чунончи:

«Онгда эскириб турадиган қараш, кечирма ва туйғуларни «бартараф қилиб туриш қийинчилиги» етарли ёритилмайди. А. Қаҳҳорнинг иккинчи турли ҳикояларида юмор сақланса-да, у ижобий тус олади (?)».

Ёки:

«Бу ҳикояларда **жиддий хулоса усталик блан юмористик воқиа доирасида** берилади. Лекин шуни айтиш керакки, бу енгил ҳикояларда ба'зан **шартли мотивлар устун бўлиб қолади,** айрим ўринларда **кураш тақозоси блан вақтинча зарурий бўлиб қолган ўткинчи моментлар** умумлаштирилиб, принцип даражасига кўтарилади, **совет моралининг** ўсиб ривожланадиган куртаклари ёрқин суратда кўринмайди».

«Шарқ юлдузи» ўз ўқувчиларига мана шундай халтураларни «адабий танқид» деб тақдим этмоқда.

Журналнинг редколлегия а'золари ўз ишларига жиддий э'тибор бермаётирлар. Улар журналда босиладиган асарлар учун тўла жавобгар бўлганлари ҳолда, ўзбек адабиётининг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган журналнинг ишига бепарволик блан қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам журнал саҳифаларида ғоявий-сиёсий жиҳатдан бўш, тарбиявий жиҳатдан зарарли, бадиий жиҳатдан тутуруқсиз асарлар кўплаб босилмоқда.

«Шарқ юлдузи» журналининг ҳар бешта сони мана шундай муҳим нуқсонларга тўлиб чиқаётганига қарамай, Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзи ҳанузгача журналнинг бирорта сонини ҳам муҳокама қилмаганига ажабланмай бўлмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ўз органининг обрў ва шарафи учун курашмоғи даркор. Бунинг учун, биринчи галда, адабий-бадиий журналга зўр э'тибор қилиш лозим. Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзи журналлар совет кишиларини тарбиялаш ишида, айниқса ёшларни тарбиялашда совет давлатининг қудратли воситаси эканини ва шунинг учун ҳам, улар ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган ҳолда нашр этилиши кераклигини унутмаслиги лозим.

Совет адабиёти дун'ёда энг илғор адабиётдир. Совет адабиётининг халқ манфаатларидан, давлат манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқдир. Совет адабиёти халқимизни совет Ватанига, большевиклар партиясига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялайдиган энг қудратли ғоявий қуроллардан биридир.

«Шарқ юлдузи» журнали ўз саҳифаларида мана шундай илғор адабиёт асарларини босиб туриши ва шундай адабий асарлар яратиш йўлида кураш олиб бориши керак.

Ўзбек китобхони ўзининг ягона адабиёт ва сан'ат журнали бўлган «Шарқ юлдузи»нинг ҳарбир янги сонини катта умид блан қўлга олади. У, ўзининг ўтмиши ва келажаги, жанг ва меҳнати, Ватани ва турмуши ҳақида ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак, бадиий жиҳатдан пухта гўзал асарлар ўқишни истайди.

Партия турмуши

И. В. Сталин асарларини чуқур ўрганиш ташкил этилсин

И. В. Сталин асарларининг нашр этилиши партиямизнинг ғоявий ҳаётида катта воқиадир. Ўртоқ Сталин асарлари бутун партияга, совет халқига янги қудратли ғоявий қурол берди, марксчаленинча ўқишни янада қизитиб юбориш ва кадрларнинг ғоявий савиясини кўтариш учун зўр имконият яратилди. Ўртоқ Сталиннинг асарлари бутун совет халқларини мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашга руҳлантирди.

Сталин асарларини чуқур ўрганиш партия, совет кадрларининг ва бутун совет интеллигенциясининг муқаддас вазифасидир. Шунинг учун ҳам И. В. Сталин асарларининг босилиб чиқишини Самарқанд партия, совет кадрлари зўр қониқиш блан кутиб олдилар. Шаҳардаги кўпгина раҳбар ходимлар, партия совет ва хўжалик кадрлари И. В. Сталин асарларининг биринчи томи босилиб чиқиши блан уни чуқур ўрганишга киришдилар. Масалан, шаҳар партия комитети ходимларидан Утенков, Френк ўртоқлар шаҳар маориф бўлим мудирининг ўринбосари Степанов, Ўзбекистон давлат университети марксизм-ленинизм кафедрасининг ходими Шмачков ва бошқа ўртоқлар И. В. Сталин асарларининг биринчи томини қунт блан ўрганишга киришдилар.

Ўртоқ Шмачков, ўртоқ Сталин асарини ўрганувчилар учун доклад қилишга тайёрланмоқда. Марксизм-ленинизм назарияси бўлган ўртоқ Сталин асарларини қунт блан ўрганаётган кўпгина коммунистлар, партияли ва партиясиз активларнинг намунали ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Лекин шунга қарамасдан И. В. Сталин асарларини ўрганиш Самарқанд партия ташкилотида намунали йўлга қўйилган деб бўлмайди. Сиёб, Темир йўл, Боғишамол район партия ташкилотларида пропаганда ишлари ҳозирги даврнинг зўр талабларига тўла жавоб берарли даражада қўйилмагани каби, ўртоқ Сталин асарларини ўрганиш ҳам қониқарсиз ташкил этилган.

Ўзкитобнинг Самарқанддаги бўлимига ўртоқ Сталин асарларининг биринчи томи келганига бир ярим ойдан кўп вақт бўлди. Область партия комитети ташкилот инструкторлик бўлим мудири ўринбосари ўртоқ Соқиев, пиво заводининг директори ўртоқ Киншаков, область техника экинлари бўлимининг бошлиғи Юдин, шаҳар советининг раиси Дониёров, унинг ўринбосари Лезин, темир йўл райкомининг кадрлар бўйича секретари Орипов ўртоқлар ҳалигача марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганишга вақт тополмаётирлар. Бу ўртоқлар И.В. Сталин асарларининг биринчи томини олган бўлсалар ҳам ўрганишга киришган эмаслар. Шунингдек область ижроия комитети партия ташкилотидаги раҳбар ўртоқлар ҳам И. В. Сталин асарини чуқур ўрганишга киришмаганлар.

Самарқанд шаҳар партия комитети И. В. Сталин асарларини мустақил ўрганувчилар учун лекциялар, семинарлар ташкил қилиш, суҳбатлар ўтказиш йўллари блан ёрдам бермаётир. И. В. Сталин асарларининг биринчи томи босиб чиқарилганидан кейин ўтган 2 ой мобайнида Самарқанд шаҳар партия комитети мустақил ўқувчилар учун 2 лекция, бир консультация ўтказди, халос. Бу албатта сра етарлик эмас. Шаҳар партия комитети томонидан август ойи учун белгиланган планда кўрсатилган лекциялар ўз вақтида ўтказилмади, турли сабаблар блан кечиктирилди. Лекин, шаҳардаги йирик корхоналарда, темир йўл узелида, «Красний двигатель», «Кинап» заводида ўртоқ Сталин асарлари ҳақида бирор лекция ёки суҳбат ўтказилган эмас. Бу фактлар Самарқанд шаҳрида И. В. Сталин асарлари нашр этилгандан кейин лекция йўли блан пропаганда қилиш қизитилмаганини кўрсатади.

Самарқанд шаҳар партия ташкилотида И. В. Сталин асарларини ўрганишни ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Самарқанд республикамизнинг йирик маданий марказларидан бири, бу ерда олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари бор. Самарқанд партия ташкилотида профессорлар, илмий ходимлар кўп. Пропаганда ишларида мана шу кучлардан тўла фойдаланиш керак.

Кейинги вақтларда Самарқанд шаҳрида айниқса Темир йўл районида пропаганда ишлари сусайиб кетди. Район партия мактабида 25 кишидан шу кунларда 8 — 10 киши қатнашади. Район Осоавиахим ташкилотининг бошлиғи Демин, карточка бюросининг мудири Клемнюк каби ўртоқлар машғулотга сра қатнашмайдилар. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари учун ташкил этилган семинарга 28 киши ўрнига 5—6 киши қатнашади.

Самарқанд шаҳар партия комитети, пропаганда ишларини яхшилаш, Сталин асарларини чуқур ўрганиш кадрларнинг назарий-ғоявий савиясини кўтариш учун партия, совет кадрларига ҳар тарафлама ёрдам уюштириши керак.

Ғ. АШУРОВ.

Наманганда раҳбар ходимларнинг сиёсий ўқуви

УзК(б)П Наманган шаҳар комитети партия ва совет ходимларининг назарий савиясини ошириш ишига кўп э'тибор бермоқда. Шаҳардаги марксизм-ленинизм кечки университетидан бошқа яна мактаб ва болалар муассасалари директорлари ҳам илмий бўлим мудирлари учун 6 ойлик партия мактаблари уюштирилган. 518-нчи сонли завод, 2 ва 3-нчи пахта заводлари, ДЭС, консерва заводи, Навоий номли театр, «Янги ривож» артели ҳузуридаги партия мактаблари мунтазам давом этмоқда.

Бир қанча муассасалардаги сиёсий тўгаракларда меҳнаткашлар партия тарихи ва янги бешйиллик план тўғрисидаги Қонунни қунт блан ўрганмоқдалар. Айниқса «Октябрь 20 йиллиги» ва «Бешйиллик» артельларида сиёсий тўгараклар мунтазам ишламоқда. Мингдан ошиқ партияли ва партиясиз ходимлар ВКП(б) Қисқа курси ва янги бешйиллик план тўғрисидаги Қонунни зўр қизиқиш блан ўрганмоқдалар.

Ҳозирги шароит ҳарбир раҳбар ходимдан ўз мутахассислиги соҳасида кундалик билимини ошириш блан бирга, марксизм-ленинизм назариясини қунт блан ўрганишни талаб қилади.

Аммо, партия ва совет раҳбар ходимлари орасида ўзларининг назарий билимларини ошириш муҳим вазифа эканини ҳали сезмаган кишилар ҳам йўқ эмас. Масалан: шаҳар савдо бўлими мудири ўртоқ Хўжаев, ВКП(б) Қисқа курсининг биринчи бобини беш йилдан бери ҳали ҳам ўқиб тамомлагани йўқ. Ундан крепостнойлик ҳуқуқини тақиқлаш сабабларини сўраганда, «бу россияда крепостной ҳуқуқини юксалишидир», деб бема'ни жавоб берди.

Нон заводи директори ўртоқ Мамоновдан, нима учун партия мактабида ўқимайсиз, деб сўрасак «ўқишга вақт йўқ, хўжалик иши блан бандман» дейди. Кейин ма'лум бўлдики, ўртоқ Мамонов хўжалик ишини ҳам тузуккина уддалай олмас экан.

Назарий жиҳатдан қолоқлик амалий ишда сиёсий хатоларга ҳам сабаб бўлмоқда. Айниқса бу ҳолни Наманган шаҳар совети раиси ўртоқ Каримовдан сезиш мумкин. У, 1946 йили САКУни тамомлаган. Аммо, ўша вақтдан буён бирорта ҳам китоб ўқиган эмас. Энди ўртоқ Каримов оддий саволларга ҳам жавоб беролмайди. У, Сталин Конституциясининг қачон қабул қилинганлигини билмайди. Ўртоқ Каримовнинг сиёсий тайёргарлиги кам бўлиши унинг кундалик ишига ҳам та'сир этмоқда. Яқинда шаҳар партия комитети бюроси шаҳарда совет Қонунининг бузилгани, шаҳар совети аппаратида бюрократизмнинг авж олгани учун асосий сабабчи ўртоқ Каримов эканлигини та'кидлаб ўтди.

Шаҳар партия комитети марксчаленинча назарияни эгаллашни истамаган бу хилдаги коммунистларни ўқишга мажбур қилмоғи керак.

И. МОРОЗОВ.

Пропагандистлар семинари

ҚАРШИ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Қашқадар'ё область партия комитети пропагандистлар семинарини ўтказди. Семинарга областьдаги барча пропагандистлар, партия кабинетларининг мудирлари, район комсомол комитетларининг пропаганда бўйича секретарьлари қатнашди.

Семинар беш кун давом этди. Семинарда халқаро аҳвол, СССР халқ хўжалигини тиклаш, ривожлантириш плани ва пропагандистларнинг вазифаси, беш йил ичида Қашқадар'ё области, деган темаларда майор Николенко, область партия комитетининг секретари Қурбонов, область партия комитети лектори Мирзаев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Ғафуров ва «Кашкадаринская правда» газетасининг муҳаррири Герасимов ўртоқлар лекция ўқидилар.

БУЮК УКРАИН ДЕМОКРАТ ЁЗУЧИСИ

(ИВАН ФРАНКОНИНГ ТУҒИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

Буюк украин ёзувчиси Иван Франко 1856 йил 27 августда Ғарбий Украинадаги Дрогобичи шаҳрининг яқинида, Нагуевичи қишлоғида туғилди. Унинг отаси шу қишлоқнинг ўзида темирчи бўлиб ишлар эди. Иван Франко болалигида шу қишлоқдаги бошланғич мактабда ўқиди ва шундан кейин гимназияга кирди.

И. Франко гимназияни муваффақият блан битиргандан кейин, 1875 йилда Львов университетига кирди. У, илғор революцион ғоялар блан қуролланган студентлар блан биргалашиб, ўша вақтда ҳукм сурган сиёсий реакцияга қарши курашди.

Ғарбий Украина у вақтларда Австро-Венгрия монархиясининг иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган вилояти эди. Ғарбий Украинанинг халқи поляк катта ер эгалари, қулоқлари ва руҳонийлари қўлида азоб чекар; қаттиқ зулмларга дучор бўлган украин деҳқонлари иш излаб шаҳарга оқарди.

Ғарбий Украинада дастлабки ишчилар ҳаракати ўтган асрнинг 70-нчи йилларида бошланди. Шаҳар корхоналаридаги ишчиларнинг иш ташлашлари ҳоким қуролли кучлар блан бостирилар эди.

Иван Франко студентлар ҳаракатига аралашган йилларданоқ халқ турмушини тасвирловчи повестьлар ва сиёсий мавзу'ларда ўткир ше'рлар ёза бошлади. У, ўзининг асарларида украин халқининг оғир ҳаётини, унинг золимларга қарши курашини ва халқнинг реакциячи қора кучлар устидан узил-кесил ғалабага эришишга бўлган ишончини тасвирлади. У, мана шундай революцион руҳдаги асарлар ёзгани учун 9 ойлик муддат блан қамоққа олинди.

Ўз халқининг содиқ ўғли, севимли куйчиси Иван Франко бутун ҳаётини қашшоқликда, золимларнинг та'қиби остида, сиёсий курашлар қучоғида ўтказди. Бу машаққатлар Франконинг бардошини синдиролмади. У, одамга, халққа, халқларнинг буюк биродарлигига бўлган ишончини йўқотмади. У ўзининг ше'рларида халқнинг бахти учун курашажагини, халқлар биродарлиги муқаддас эканлигини, бу биродарлик қора кучлар устидан ғалаба қилажагини тараннум этди.

Иван Франконинг дастлабки ше'рлари «Пролетарнинг ўйлари» деган сарлавҳа блан тўплам ҳолида нашр этилди. У ўзининг мана шу ше'рларида пролетарлар озодликни кураш блан қўлга киритажакларини, уларнинг иродаси ва меҳнати зафар қозонажагини куйлади. Бу жиҳатдан, Иван Франко чинакам украин инқилобчи шоири ва Тарас Шевченкодан кейин, халқ кулфатининг энг яхши куйчиси бўлди. Франко ўзининг бадиий асарларида ишчиларнинг, косибларнинг, қишлоқ камбағалларининг аччиқ ҳаётини тўғри тасвир этди ва шаҳар ҳам қишлоқлардаги халқни озодлик жангларига чақирди.

Иван Франко реалист ёзувчи ва ма'рифатчи сифатида машҳур бўлди. У, украин миллатчилари ва Польшадаги майда буржуа ёзувчиларининг олға сурган ғояларига қарши чиқди. У ўз ижодида янгича йўлдан борди, халқларнинг ягона оиласида ўз халқининг ҳам озодликка интилишини реалистик қалам блан тасвирлади.

Иван Франко Бориславдаги нефть конларида ишлаган ишчилар турмуши блан яқиндан танишди, шу тўғрида «Борислав кулмакда» деган машҳур повестини ёзди. Франконинг бу асари ишчиларнинг оғир ҳаётини, уларнинг қоронғулик кучасига ҳайдалганини, лекин турмуш уларни курашга чақирганини ва бу кураш тобора кучайиб, ғалабага қадар боражагини тасвирлади.

И. Франко Ғарбий Украинага йиртқич капитализмнинг кириб келишини ва бу, халқнинг ҳаётида оғир из қолдирганини очиб берди. И. Франко ўзининг бадиий ижодида капитализм йиртқичларининг ҳақиқий башарасини тўғри фош қилди ва ишчиларни шуларга қарши курашга да'ват этди.

«Борислав кулмакда» деган повестьда капиталистларнинг бир-бири блан муносабати, уларнинг рақобати ва бу рақобат натижасида ишчиларни эксплоатация қилиш яна ҳам авжига чиққанлиги кўрсатиб берилган.

Бу повестьда капитализм зулми остида эзилган ишчилар синфи ташкилий суратда кураш олиб боради. Улар бошларидан аччиқ тажриба ўтказганларидан кейин, хўжайинларнинг ҳийла-найрангларига учмайдиган бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам, эксплоатация қилувчиларга қарши омонсиз кураш очадилар.

И. Франко ишчилар ҳаётидан олиб ёзган бирнеча повестьдан ташқари, ўнлаб ше'рлар ҳам ёзди. У, ўзининг ше'рларида она-Ватанининг чеккан кульфатларини, халқнинг эзилишини тасвир этди. Унинг сиёсий лирикаси ишчилар ва деҳқонларни озодлик учун курашга чорлади. У, шундай деб ёзди:

«Бизнинг мақсадимиз халқнинг толи'и,
Улуғ саодатга ишончимиз бор.
Буюк биродарлик шиоримиздур,
Албатта бўламиз озод, бахтиёр!»

Иван Франко 1916 йил 28 майда вафот этди. У, ўз халқига ва жаҳон адабиёти хазинасига катта адабий мерос қолдириб кетди. Иван Франко бадиий асарлар ёзиш блан бирга, бирмунча сиёсий мақолалар ва иқтисодий мавзу'ларда ҳам асарлар ёзди. Франко рус классик адабиёти ва Ғарбий Европа адабиётининг энг яхши намуналарини украин тилига таржима қилиб, ўз халқининг маданиятини бойитди ва бу маданиятнинг яна ҳам ривожланиши учун йўл очиб берди.

Ҳозир Ғарбий Украина халқи Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар оиласида озод ва бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Ғарбий Украинанинг ўтмишда қашшоқ бўлган меҳнаткаш аҳолиси ҳозир Сталин Конституциясн қуёшининг нурларидан баҳраманд бўлиб, янгича ҳаёт кечирмоқда ва ўз тақдирини ўзи ҳал этмоқда.

Украин халқининг машҳур ёзувчиси ва демократик сиёсий арбоби бўлган Иван Франконинг хотираси барча қардош халқлар дилига ўрнашган ва унинг адабий мероси Иттифоқимиз хазинасига қўшилган катта ҳиссадир.

Ҳамид ҒУЛОМ.

Наманган областининг Уйчи районидаги «Ленинчи йўл» колхозида пахта йиғимтеримига тайёргарлик. **Суратда:** ўртоқ **Жўра Умаров** бошлиқ 2-нчи бригаданинг а'золари хирмон жойини тайёрламоқдалар.

Г. Перменев фотоси.

Тракторларнинг ёзги ремонтига жиддий э'тибор берилсин

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети МТС ходимлари олдига тракторларнинг ёзги ремонтини 1 октябрьгача тамомлаш юзасидан конкрет вазифалар қўйган эди. Тошкент областидаги МТСларнинг раҳбарлари бу вазифани қандай бажараётирлар? Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори район партия, совет ташкилотлари, область техника экинлари ва ер бўлимлари томонидан жуда ёмон бажарилмоқда. Область техника экинлари ва ер бўлимларининг раҳбарлари (Тоҳиров ва Қирғизбоев ўртоқлар) трактор ремонтидаги қолоқликни тугатиш учун зарур чораларни кўрмадилар, ремонт иши устидан пухта контроллик қилмадилар. Шунинг натижасида тракторларнинг ёзги ремонти жуда суст бормоқда. 20 августгача турли маркадаги 358 трактор катта ремонтдан, 763 трактор жорий ремонтдан чиқарилиши керак эди. Областьдаги кўпчилик МТСлар берилган топшириқни бажармади. Деярлик ҳамма МТСда ҳам ремонт ўзибўларчиликка ташланиб қўйилди. Натижада 20 августгача атиги 71 трактор катта, 365 трактор жорий ремонтдан чиқарилиб, топшириқ фақат 38,8 процент бажарилди.

Областьдаги МТСларда қишлоқ хўжалик машина-асбоблари ремонти ҳам ачинарли аҳволда бораётир. Планга мувофиқ 1.360 плуг, 141 ғалла сепадиган ва 700 та чигит сеялкаси ремонтдан чиқарилиши керак бўлгани ҳолда, 20 августгача 216 плуг, 11 ғалла сепадиган ва 3 та чигит сеялкаси ремонт қилинди. Кўпчилик МТСларда ремонт ишлари социалистик мусобақа асосида уюштирилмади. Механизация кадрлари ремонт ишига тўла сафарбар этилмади. Оржоникидзе районидаги МТСда (директори ўртоқ Мақсудов, механизатори ўртоқ Кондратьев) бу аҳвол айниқса кучли бўлганидан 23 трактор ўрнига фақат битта трактор ремонт қилиниб, план 4 процент бажарилди.

Сирдар'ё районидаги 3-нчи МТС (директори Амаров) аҳвол бундан яхши эмас. МТС раҳбарлари ички имкониятлардан фойдаланиб ремонтни тезлатиш ўрнига, эҳтиёт қисмлар келишини кутиб, ғанимат фурсатни ўтказиб юбордилар. Оҳангарон районидаги 2-нчи МТСнинг директори Икромиддинов МТС ишига мутлақо раҳбарлик қилмай қўйган.

Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС, Қуйичирчиқ районидаги 2-нчи МТС, Сирдар'ё районидаги 2-нчи, Қорасув ва Бўка МТСларида тракторлар ремонти ачинарли аҳволда туради. Бу МТС раҳбарларининг, айниқса Оҳангарон 2-нчи ва Бўка МТС директорларининг ремонт устидан контрольлик қилмай, ишни бузаётганлари область техника экинлари бўлимининг раҳбарларига кўпдан бери ма'лум эди. Лекин область техника экинлари бўлимидагилар уларга нисбатан чора кўрмай муросасозлик қилиб келмоқдалар.

Тошкент областининг МТСлари бу йил 25 минг гектар ердаги пахта ҳосилини машина блан териб, 14 минг гектар пахта еридаги кўсакни ва 40 минг гектар ердаги ғўзапояни тозалаб беришлари керак. Бунинг учун 15 октябрьгача 720 та «универсал» трактори ремонтдан чиқарилиши лозим. Вақт яқинлашиб келаётганига қарамай, «универсал»ларнинг ремонти ҳам кўнгилдагидек бормаётир.

Тошкент шаҳар саноат корхоналари ўтган йили ҳам, бу йилнинг кўкламида ҳам МТСларга асбоб-ускуна, тракторлар учун детальлар ва мутахассис ишчилар блан ёрдам бердилар. Броқ, оталик қилаётган ташкилот ва корхоналар кейинги вақтларда МТСларга ёрдам беришни бўшаштириб юбордилар. Каганович номли завод Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСни оталикка олган. Ёзги ремонт даврида бу МТСга завод дирекцияси ҳам, партия ташкилоти ҳам ёрдам бермаган. Ҳатто завод дирекцияси МТСга оталик қилишдан бош тортган.

МТСлар эҳтиёт қисм ва детальлар блан тўла та'минланган эмас. Гутапнинг Ўзбекистон республика бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Бабин) бу соҳада жуда қониқарсиз ишлаётир. Учинчи квартал ичида пландаги эҳтиёт қисм ва детальларнинг фақат 14,7 проценти олингани бунинг яққол мисолидир.

Тракторлар ремонтини муваффақиятли ўтказишда маҳаллий саноат корхоналарининг роли жуда катта. Завод дирекцияларининг раҳбарлари олган мажбуриятларини тўла бажариб, республикамиз МТСларига яқиндан кўмаклашишлари керак. Шунга қарамасдан ба'зи заводларнинг директорлари олган мажбуриятларини жуда кечикиб бажармоқдалар. Ўртоқ Виноградов директор бўлган завод 1.400 дона 99-нчи деталь тайёрлаб бериши керак эди. Завод фақат 700 дона деталь ишлаб бериш блан кифояланиб, бундан кейин ҳечқандай эҳтиёт қисм тайёрлаб бераолмаслигини айтган. Ильич номли завод 73 минг сўмлик детальдан атиги 3.100 сўмлик ишлаб бериш блан қаноатланди. Тракторлар учун эҳтиёт қисм ишлаб беришни сансалорликка солаётган бундай заводларнинг бирнечасини кўрсатиш мумкин.

Яқинда Тошкент область партия комитетида кенгаш бўлиб, тракторларнинг ёзги ремонти ҳақида масала кўрилди. Кенгаш трактор ремонтидаги қолоқликни тугатиш, тракторларни кузги ер ҳайдашга эрта тайёрлаш, МТСларга оталик ишларини яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар белгилади.

Колхозчи Одинаев топган янги хил буғдой

1927 йил кузида Абдуҳалил Одинаев буғдойзор далада бир туп буғдой топди, бу бошқа буғдойлардан фарқ қилар эди. Унинг бандида битта эмас, тўртта бошоқ бор эди. Деҳқон камдан-кам учрайдиган бу буғдойни кузатиб борди, у пишиб етилганда, уруғини териб олиб, сақлаб қўйди. Келгуси йили Одинаев ўз ерида тажриба «даласи» ташкил этди. Бу жой икки квадрат метр ердан ошмас эди. Бу биринчи ҳосил унча кўп эмас — 500 грамм бўлди. Ма'лумки, бу фақат бир бошоқнинг ҳосили эди.

Иккинчи йили Одинаев ўзининг тажриба участкасини бирмунча кенгайтирди. У яхшилаб ишланган ерга уруғ сепди. Ёзда ерлар икки бор суғорилиб, ёввойи ўтлардан бирнеча марта тозаланиб турилди.

Бу гал ҳам ҳосил унча кўп бўлмади, 17 килограмм буғдой олинди.

Одинаев тўсатдан топилган, деҳқончиликда кам учрайдиган янги хил буғдойни оддий суратда кўпайтирибгина қолмади. У олинган уруғликни саралаб борди. Энг яхши, тўқ, хашаротлар блан зарарланмаган уруғликни экди.

Қишлоқ деҳқонлари колхозга уюшганда Абдуҳалил Одинаевнинг хизматлари янада самаралироқ бўлди. Одинаев мироб бўлиб ишлаб, бўш вақтларида томорқа ерда меҳнат қилди, ернинг ҳаммасига ўзи топган ва «туятиш» деб номлаган буғдойдан экди.

Сурхандар'ё область, Шеробод район, Пашкур қишлоқ советидаги Чкалов номли колхознинг а'золари ҳали ҳечқаерда кўринмаган, юқори ҳосил берувчи янги хил буғдой экинини келиб кўриб кетдилар. Улар Одинаевдан бу буғдойдан уруғлик беришни илтимос қилдилар.

Одинаев бу янги хил буғдойни кўпайтириш устида 20 йилга яқин ишлади. Ниҳоят унинг «туятиш» буғдой уруғлигини бошқа тажрибакорларга ва колхозларга тарқатадиган пайт келди.

Сурхондар'ё область ер бўлимининг бошлиғи агроном Истоминнинг маслаҳати блан Одинаев 1944 йилда етиштирилган 592 килограмм уруғликдан 480 килограммини Шеробод район Талашган қишлоқ советидаги Фрунзе, Сталин номли, Пашкур қишлоқ советидаги Чкалов номли колхозларга берди. Шунингдек тажрибакорлардан Турсунбой Эргашев, Закарлюк, машҳур пахтакор Рузвон Умуров ўртоқлар ҳам ана шу уруғликдан олдилар.

Ана шундай қилиб Одинаев буғдойи кенг суратда тарқала ва гўзал натижалар бера бошлади. Сталин, Фрунзе ва Чкалов номли колхозлар 480 килограмм уруғлик экиб ҳаммаси бўлиб 56 центнер ҳосил олдилар. Фрунзе номли колхозда ўрта ҳисобда бир гектардан 140 пуд ҳосил олинди.

Бу йил Шеробод колхозлари «туятиш» буғдойини анчагина кўпайтирдилар. Дастлабки ма'лумотларга қараганда, колхозлар 1.000 центнердан кўпроқ ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. Давлат нав'ларни тарқатиш идораси (Госсортфонд) бу уруғликдан 122 центнер тайёрлади. Келгуси йили Сурхондар'ё областида Одинаев буғдойидан 200 гектар ерга экилади.

Бу янги хил буғдойнинг сифати қандай? Аввало, бу уруғлик рўзғорда ишлатиладиган энг қимматли буғдой нав'ларидандир. Бу буғдойнинг ҳарбир донаси йирик ва донли. 1.000 дона буғдой 59-60 грамм келади, ҳолбуки, энг яхши нав' деб ҳисобланган буғдойларнинг ана шунчаси 35—40 граммдан ошмайди. «Туятиш» буғдойи бошқа буғдойлардан фақат мўл ҳосил бериши блангина фарқ қилмайди. У эрта пишадиган, хашаротлардан зарар кўрмайдиган, совуққа чидамли нав'лардан ҳамдир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозчи-уруғшунос Абдуҳалил Одинаевнинг кўп йиллик самарали меҳнатини тақдирлаб, уни қимматбаҳо совғалар блан мукофотлади.

П. ВЛАДИМИРОВ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРДА

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

Ёшлар ўртасида ўқишга интилиш катта бўлганлигидан, қабул ишлари бу йил Самарқанддаги кўпчилик институт, техникум ва педагогика билим юртларида яхши ўтмоқда. Самарқанд олий ўқув юртлари бу йил 1790 студент қабул қилиши лозим бўлса, ўқишга қабул қилишни сўраб 20 августгача 2.358 киши ариза берди. Янги студентлар қабул қилиш медицина, халқ хўжалиги, ўқитувчилар институтларида, Ўзбекистон Давлат университетида айниқса яхши бормоқда. Бу институтларнинг раҳбарлари ва партия, совет ташкилотлари ўқув йилига тайёрлик ва янги қабулни яхши ташкил қилиш соҳасида бирмунча ташкилий чораларни кўрдилар. Ўрта мактабларни тамом қилучилар ўртасида ихтисос танлаш ҳақида суҳбатлар ўтказилди, областьнинг шаҳар ва районларига ҳамда республикамизнинг бошқа областьларига вакиллар юборилди.

Натижада Самарқанд медицина институтига 300 ўринга 500 га яқин ариза берилди, Куйбишев номли халқ хўжалик институтига 150 ўринга 250, ўқитувчилар институтига 135 ўринга 230 ариза тушди. Шу кунгача аризалар келиб турибди. Ҳозир қабул синовлари қизғин давом этаётир. Ўрта мактабни а'ло баҳо блан битирган 70 киши медицина институтига, 45 а'лочи Ўзбекистон Давлат университетига имтиҳонсиз қабул қилиндилар. Булар орасида олтин ва кумуш медальлик ўқучилар бор.

Шу блан бирга, Самарқанддаги айрим институтларда янги ўқув йилига тайёрлик ва қабул масаласи ёмон бормоқда. Масалан, қишлоқ хўжалик институтида (директори ўртоқ Саидов) янги қабул масаласига э'тиборсиз қарамоқдалар. Ўқув биноларининг ремонти чала ҳолда ётибди. Ўз вақтида ташкилий чоралар кўрилмаганидан, 300 ўринга фақат 185 ариза берилган. Булардан 111 тасигина имтиҳон бериши мумкин. Кечки педагогика институтига ҳам 105 ўринга 35 ариза тушган. Бу институт асосан Самарқанддаги ўқитувчилар ҳисобига тўлдирилиши лозим эди. Броқ шаҳар ва район маориф бўлимларининг мас'улиятсизлик блан қарашлари орқасида, янги қабул ёмон ўтмоқда. Шуни ҳам айтиш кераки, ўзбек қиз-жувонларидан 65 кишигина олий ўқув юртларига имтиҳон берди. Халқ хўжалиги институтига эса битта ўзбек қизи ҳам қабул қилинмаган.

Шаҳардаги кўпчилик техникумларда янги қабул яхши уюштирилди. Масалан, озиқ-овқат саноати техникумига 210 ўринга 800 ариза тушди. Темир йўл, ирригация, қишлоқ хўжалиги техникумлари, педагогика билим юртларига ҳам қабул қилишни сўраб берилган аризалар пландан ортиқ.

Самарқанд олий ўқув юртлари ҳамда техникумларига республикамизнинг турли областьларидан, шунингдек бошқа шаҳарлардан аризалар келмоқда. Халқ хўжалиги институти, рассомлик мактабига қабул қилишни сўраб Ульянов, Новосибирск, Свердловск, Хабаровск ва бошқа шаҳарлардан аризалар келди.

Каттақўрғон, Жиззах педагогика билим юртларида, Самарқанддаги фельдшер ва ҳамширалар мактабида бино ва ётоқхоналар ремонти кечикмоқда, ўқув асбоблари тўла тайёр қилинмаган. Озиқ-овқат техникумида 200 кишига ётоқ етишмайди. Молия техникумида ҳам ўқувчиларнинг 50 проценти ётоқ блан та'мин этилмаган. Ҳали кўпчилик ўқув юртлари қиш учун ўтин ва сабзавот тайёрлашни қизитиб юбормаганлар. УзССР Молия, Маориф, Соғлиқни сақлаш министрликлари ва республика муассасалари янги ўқув йилига тайёрликда Самарқанд ўқув юртларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Париж Сулҳ Конференциясида

ИТАЛИЯ БЛАН ТУЗИЛАДИГАН СУЛҲ ШАРТНОМАСИНИНГ ҚИРИШ ҚИСМИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

ПАРИЖ, 23 август **(ТАСС махсус мухбиридан).** Италияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўрувчи комиссияда Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг кириш қисми бугун муҳокама қилина бошлади. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бу шартноманинг ўзаро келишилган лойиҳасини Конференцияга тақдим этган эди.

Шартноманинг кириш қисми ҳақидаги лойиҳанинг тексти Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши томонидан якдиллик блан қабул қилинганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Аммо, комиссияда ишга киришилган биринчи кундаёқ ба'зи вакилларнинг бу текстни ўзгартириш ниятида эканликлари ма'лум бўлди. Текст ўзгартирилса, кириш қисмидаги айрим низомларнинг мафҳуми ҳам ўзгарган бўлур эди.

Жумладан, Голландия делегацияси бугун кириш қисмининг иккинчи моддасини жиддий равишда ўзгартиришни таклиф этди.

Совет делегациясининг вакили Вишинский Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши тайёрлаган кириш қисмининг текстини ҳимоя қилиб, сулҳ шартномасининг тексти каби мас'улиятли ҳужжатни тузиш ҳақида гап борар экан, ҳар бир сўзни пухта равишда чамалаб кўриш зарурлигини эслатиб ўтди.

Вишинский Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг Италия зиммасига юкланадиган мас'улиятни белгилаши ҳақида гапириб, ҳарбир сўзни пухта чамалаб, сулҳ шартномаси лойиҳасида кириш қисми қандай таҳрирда баён қилинган бўлса, шунга риоя қилишни совет делегацияси номидан таклиф этди.

Голландия, Австралия вакиллари ва бошқа ба'зи делегацияларнинг вакиллари совет делегациясининг мулоҳазаларига бирор жиддий далилни қарши қўйиш ўрнига умумий мулоҳазалар блан овора бўлдилар. Масалан, Янги Зеландия вакили «эҳтимол қачон бўлса ҳам янги Гитлер пайдо бўлиб қолур, у бирор майда тафсилотнинг ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини баҳона қилиши мумкин» деб кириш қисмининг текстини шундай бема'ни гаплар блан ўзгартириш зарурлигини айтди ва шунга биноан «Италиянинг ма'навий жиҳатдан жавобгарлиги доирасидан четга чиқмаслик керак» деди. Голландия вакили Министрлар Кенгашининг лойиҳасида айтилишича «уруш э'лон қилиш мумкин, аммо агрессиячилик урушини э'лон қилиш қийин» деди. Ниҳоят, Австралия вакили ҳатто қуйидаги гапларни айтди: «Ҳамма урушлар адолатли уруш эди ва бирор давлатнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бошланган эди». Австралия вакили чатоқ гапирганлигини сезиб: «Уруш э'лон қилган ҳукуматлар шундай дер эдилар» деди.

Совет делегациясининг вакили Вишинский иккинчи марта сўзга чиқиб, шундай мулоҳазаларга муносиб зарба берди.

«Мен бу ерда айтилган ба'зи зид фикрларга э'тиборни жалб этишни истар эдим, — деди у, — бундай фикрлар абадий эсда қолдиришга сазовордир. Ҳақиқатга зид бўлган биринчи фикрни Австралия вакили изҳор қилди. У, инсоният тарихидаги ҳамма урушлар адолатли уруш эди, деди. Австралия вакили бу фикрнинг жуда нотўғрилигини сезиб, бундай урушни бошлаганлар шундай деб да'во қилар эдилар деди. Унинг бу кейинги сўзи олдинги да'восини чиппакка чиқариб қўйди. Биз, совет делегациясининг а'золари, тарихда адолатли бўлмаган урушлар ҳам жуда кўп эди, деб да'во қиламиз. Жумладан, ақалли сўнгги чорак аср мобайнида Германиянинг демократик мамлакатларга қарши олиб борган урушлари адолатсиз урушлардир.

Иккинчи зид фикр шундан иборатки, агрессив уруш э'лон қилиш мумкин эмас деб айтадилар. Агрессорнинг мен агрессорман деб айтишини кутиш албатта жуда ғалати бўлур эди, аммо бу агрессиянинг қурбони бўлган демократик мамлакатлар ўзларига қарши қаратилган урушни агрессив уруш деб айта оладилар ва айтишлари керак».

«Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши тайёрлаган лойиҳада, ҳарбир мамлакатга агрессив уруш э'лон қилиниши керак ва кириш қисмида санаб кўрсатилган мамлакатларнинг ҳарбирига нисбатан ҳақиқатда уруш олиб борилди, дейилмайди. Аммо биз, агрессор томонидан демократик мамлакатларга қарши э'лон қилинган уруш умумий ишимизга қарши урушдир, деган фикрда турамиз. Мен Австралия вакилига шундай савол берар эдим: сиз Италия Буюк Британия ва СССРга қарши уруш э'лон қилиши блан Австралияга қарши уруш э'лон қилмади деб ҳисоблайсизми?

Кириш қисмининг шу параграфи тарихий фактни аниқ акс эттиради. Ма'лумки, Италия уруш э'лон қилган эди, бу уруш агрессиячилик уруши эди, Италия Бирлашган миллатларга қарши уруш қилган эди. Кириш қисмининг шу параграфида худди шундай дейилган. Бу лойиҳани тайёрлаган Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида қатнашган мамлакатнинг вакили бўлмиш совет делегацияси лойиҳани қувватлашни ўз бурчи деб ҳисоблайди ва Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг бошқа а'золари ҳам бу лойиҳани ҳимоя қилишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар деб ишониш керак».

Аммо Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция вакиллари Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши тайёрлаган лойиҳани ҳимоя қилиб чиқишни лозим деб топмадилар. Раис Игелянц (Жанубий Африка Иттифоқи) Голландия делегациясининг тузатишини овозга қўйди. Бу тузатиш 9 овозга қарши бироз кўпчилик овоз блан, я'ни 11 овоз блан қабул қилинди.

Югославия делегацияси кириш қисмининг шу бобида, Италиянинг иттифоқчи ва бирлашган давлатларга қарашли бўлган территорияларини босиб олганлиги ва қисман ўз ерига қўшиб олганлиги кўрсатилсин ҳамда Италия уруш учун жавобгарликнинг талайгина қисмини ўз зиммасига олсин, деб та'кидлашни таклиф қилди. Польша вакили Югославия делегациясининг таклифини қувватлади. Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларининг вакиллари бу таклифга қарши чиқдилар. Бельгия ва Ҳиндистон вакиллари бу таклифга қарши э'тироз билдирдилар.

Вакилларнинг кўпчилиги Югославия делегациясининг фикрига қўшилмаганлиги равшан бўлганлиги сабабли ва музокараларда сўзлаган вакиллар ўз э'тирозларига таҳририй тартибдаги мулоҳазаларинигина далил қилиб келтирганликлари сабабли Югославия вакили ўз таклифини қайтиб олди.

Шундан кейин комиссия кириш қисмининг иккинчи параграфини муҳокама қилишга киришди. Хитой, Бельгия, Бразилия, Канада, Голландия делегациялари бу параграфга умумий бир тузатиш киргизишни таклиф қилдилар. Бу тузатишда Италиядаги фашист усул идорасини ағдаришда Италия халқи орасидаги демократик унсурларнинг кўрсатган ғайрати та'кидланади. Югославия делегацияси ҳам бу тузатишни қувватлади.

Австралия вакили бу тузатишнинг муҳокама қилинишидан фойдаланиб, беш делегация сулҳ шартномасининг лойиҳасига ўзгариш киритишни тавсия этдилар ва бу блан Министрлар кенгаши таклиф қилган шартнома лойиҳалари муқаддас бир нарса эмаслигини намойиш қилиб кўрсатдилар, деб ўз хурсандчилигини очиқ изҳор қилди. Австралия вакили бу лойиҳа бундан кейин ҳам яна ўзгартирилади деган ишончни билдирди.

Вишинский совет делегацияси номидан гапириб, Министрлар Кенгашининг қарорларига қарши айтилган бу сўзларга зарба берди. Вишинский бундай деди:

«Совет делегацияси Министрлар Кенгаши тақдим этган шартнома лойиҳаси ғоят муқаддас бир нарса деб ҳеч қачон айтмаган эди. Аммо совет делегацияси ҳарбир соҳада доим бир принципни қувватлайди — модомики, қарор қабул қилинган экан, бу қарорнинг нотўғри эканлиги исбот қилинмагунча, уни қувватлаш керак. Министрлар Кенгаши тайёрлаган сулҳ шартномалари лойиҳаларига келганда, буни ҳали ҳеч ким исбот қилгани йўқ. Австралия вакили хурсанд бўлаберсин — бу унинг иши, аммо унинг хурсандлиги узоқ давом этмаслигига ишонаман».

Таклиф этилган тузатишнинг моҳиятига келганда, Вишинский шуни эслатиб ўтдики, совет делегацияси аввалги мажлислардаёқ лойиҳанинг кириш қисмида фашист усул идорасини ағдаришда Италиядаги демократик кучларнинг ролини қайд қилишга тайёр эканлигини билдирган эди.

Вишинский бундай деди: итальян халқи Италияда фашизмни ағдаришда ўз ҳаракатининг э'тироф этилиши натижасида бундан буён демократизмни янада ривожлантириш учун (Италия ҳали бунга мухтождир), янги ва қудратли манба' топади, мамлакатни демократик асосларда тиклаш учун янги куч манба'ини топади.

ТЎРТ ҲАФТАЛИК ИШДАН КЕЙИН

ПАРИЖ, 24 август **(ТАСС махсус мухбиридан).** Бугун Сулҳ Конференцияси ишга киришганига тўрт ҳафта бўлди. Аммо конференция томонидан тузилган комиссияларда Германиянинг илгариги бешта иттифоқчиси блан тузиладиган сулҳ шартномаларининг кириш қисми ҳам муҳокама қилиниб тамомланмади. Бу ҳол конференция мўлжаллаганидан анча узоқ давом этса керак деган фикрни туғдиради.

Англия, Америка ва Францияда чиқадиган ба'зи газеталар («Дейли мейл», «Депеш де Пари» ва бошқа газеталар) конференциянинг чўзилишидан советларга қарши навбатдаги иғвогарчилик учун фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар ва конференциянинг секин бориши учун СССР делегациясини жавобгар қилиб кўрсатмоқдалар.

Ҳолбуки, совет делегацияси конференциянинг иш сур'атини тезлатиш учун қўлдан келган бутун чорани кўрмоқда. Комиссияларнинг иши буни айниқса яққол кўрсатди. Совет вакиллари комиссияларда доим амалий ишларни тезлатиш тарафдори бўлиб гапирмоқдалар.

Айни замонда инглиз-сакс мамлакатларининг вакиллари конференция ишларининг ошкора олиб борилиши тўғрисида норозилик билдира бошладилар. Англия матбуотининг ба'зи органлари, масалан, «Йоркшир пост» деган э'тиборли газета ҳозирги вақтда конференция мажлисларининг ошкора олиб борилишига қарши чиқмоқдалар. Парижда чиқаётган «Дейли мейл» газетаси бугун инглиз обзорчиси Гарольд Никольсоннинг мақоласини босиб чиқарди. Никольсон ўтмишда машҳур дипломат бўлиб, Сулҳ Конференцияси ишларининг «бе'мани тарзда ошкора» олиб борилиши тўғрисида очиқдан-очиқ шикоят қилади. Никольсон конференцияда қабул қилинган иш методларини «қаттиқ гапириш ёрдами блан амалга оширилаётган дипломатия» деб атайди ва «айтилган ҳарбир сўзнинг э'лон қилиниши соғлом фикрли кишилар ўртасида ҳар қандай жиддий муҳокамага имкон бермайди» деб да'во қилади. Жумладан Никольсон Италия блан тузиладиган сулҳ шартлари тўғрисида В. М. Молотов нутқининг э'лон қилиниши тўғрисида норозилик билдиради. Ма'лумки, В. М. Молотовнинг бу нутқи фақат Италиядагина эмас, балки бошқа бирқанча мамлакатларда ҳам жуда катта та'сир қолдирди.

Шу муносабат блан бундан атиги бир ой аввал инглиз-сакс мамлакатларининг вакиллари Совет Иттифоқи Сулҳ Конференциясининг ишларини ошкора олиб боришга ҳаракат қилмаётир, деб Совет Иттифоқига айб қўйган эдилар. Аммо совет делегацияси конференция ишларини ошкора олиб боришга қарши ҳеч қачон э'тироз билдирмади. Аксинча, совет делегацияси ишларни ошкора олиб бориш конференциянинг муваффақиятли ўтиши учун зарур шартларнинг бири деб билади. Совет делегацияси конференцияда бўлаётган ишларни ўз халқидан ва жаҳон афкор оммасидан яшириш ниятида эмас. Аммо инглиз-сакс мамлакатларининг вакиллари конференция олдида турган масалаларнинг ошкора муҳокама қилинишидан норози бўлиб, конференция мажлисларини ёпиқ ўтказиш методини яхши иш тартиби деб ҳисобламоқдалар. Ҳар кимнинг ўз таб'и ва диди бор, албатта...

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШЛАРИНИ ҚИЙИНЛАШТИРИШ ВА КОНФЕРЕНЦИЯНИ ЧЎЗИШ ЙЎЛИДА ЯНГИ УРИНИШЛАР

Бугун Румония ва Венгрияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўрувчи комиссияларнинг мажлислари конференциянинг ишларини қийинлаштириш ва чўзишга кимларнинг уринаётганлигини очиқ исбот қиладиган янги далил бўлди.

Румонияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўрувчи комиссия ўз ишини бошлаши бланоқ Австралия вакили, Румония ҳукуматининг сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги мулоҳазалари айтилган баёнот тексти вакилларга жуда кеч тарқатилганлигини, Австралия делегацияси томонидан тақдим этилган тузатишлар комиссия а'золарига фақат француз тилидагина топширилганлигини баҳона қилиб, мажлисни ёпишни таклиф этди.

Буюк Британия вакили мен «Австралия вакилининг нима учун э'тироз билдираётганлигини тушинаман» деб, шу ондаёқ **«умумий музокаралар»** очишни таклиф қилди. Аммо унинг бундан кузатган мақсади ҳеч қандай қарор қабул қилдирмаслик эди. Франция вакили «дастлабки муҳокама ҳечкимга ҳечқандай мажбурият юкламайди» деб очиқ гапириб, бу таклифни қувватлади.

Совет делегацияси номидан гапирган Богомолов комиссиянинг ишларини чўзишга қарши э'тироз билдирди. Богомолов конференция вакилларидан олинган тузатишлар қайд қилинган катта бир жилдни комиссия а'золарига кўрсатиб, бундай деди: «Булар фақат вакиллар томонидан киргизилган тузатишлардан иборат. Бунда шуни э'тиборга олиш кераки, бу тузатишлар ҳозирча рус тилидагина чиқарилган; француз тексти эртага тайёр бўлади, инглиз тексти эса 4 кундан кейин тайёр бўлади. Илгариги душман мамлакатлар делегациялари томонидан топшириладиган тузатишларнинг қачон босиб чиқарилиши умуман ма'лум эмас. Комиссияларнинг иш бошлаш вақтини чўзабериш ярамайди, сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини муҳокама қилишга киришмоқ керак. Австралия делегациясининг тақдим этган тузатишларини муҳокама қилишга киришайлик. Муҳокама давомида қарор қабул қилишни кечиктириш керак бўладими ёки шу ондаёқ қарор қабул қилоламизми деган масала аниқ бўлиб қолади».

Музокара бошланди. Австралия делегацияси сулҳ шартномаси «адолат ва ҳуқуқ принципларига мувофиқ» тузилади деб та'кидлашни таклиф қилди. Сўнгра, Австралия делегацияси «муҳокама қилинаётган территориялардаги барча кишиларга уларнинг қайси ирқ, жинсдан бўлишларига, қайси тилда гаплашишларига, ёки қайси динда бўлишларига қарамай асосий эркинликлар берилиши керак» деб таклиф қилди. Австралия вакили лойиҳанинг кириш қисмига киргизилган ва

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Париж Сулҳ Конференциясида

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

умумий тарзда бўлган ана шу чалкаш иловасини изоҳлашга уриниб, тўсатдан Жанубий Африка Иттифоқини ҳақиқий мисол қилиб кўрсатди ва Жанубий Африка Иттифоқидаги «турли табақа кишилари дўстона яшаш ва ўзлари истаганча ҳаёт кечириш имконига эга бўлдилар» деди.

Украина делегациясининг вакили Петровский, биринчидан, «муҳокама қилинаётган территорияда яшовчи қандай кишилар» тўғрисида сўз бораётганлигини — вақтинча яшовчи ажнабийлар тўғрисидами ёки майда миллатлар тўғрисидами гап бораётганлигини тушунтириб беришни Австралия вакилидан сўради. Сўнгра Петровский, Австралия делегацияси қандай ҳуқуқ ва эркинликларни назарда тутганлигини айтиб берсин, деб таклиф қилди. Петровский Жанубий Африка Иттифоқининг мисол қилиб олиниши тўғрисида шуни айтдики, мен бу мисолни асосли деб ҳисоблай олмайман, чунки Жанубий Африкада майда миллатни ташкил этган ҳиндлар ирқий жиҳатдан камситилаётганлиги тўғрисидаги фактлар ҳаммага ма'лум. Жанубий Африка Иттифоқидаги ҳиндларнинг оғир аҳволи Бирлашган миллатлар ташкилотида муҳокама қилинади. Жанубий Африка Иттифоқини миллатларнинг тамомила бирдам ва ҳамкор бўлиб яшовини кўрсатадиган бир мисол деб айтиш тўғри бўлмас эди.

Чехословакия вакили шартноманинг учинчи моддасида қуйидагилар аниқ ва муайян қилиб айтилганлигини эслатиб ўтди: «Румыния ўзининг ҳамма фуқароларига уларнинг қайси ирқ, жинсдан бўлишларига, қайси тилда гаплашишларига ёки қайси динда бўлишларига қарамай, киши ҳуқуқини ва асосий эркинликларни, шу жумладан сўз, матбуот ва нашр этиш, диний э'тиқод, сиёсий маслак ва умумий йиғилиш ўтказиш эркинлигини бериш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятини устига олади». Сўнгра Чехословакия вакили, Австралия делегацияси бу модданинг кириш қисмида такрорланишини истайдими ёки бирон нарсани истайдими, деб Австралия вакилига дангал савол берди.

Жанубий Африка Иттифоқининг вакили Украина вакилининг келтирган далилларига асосан қарши э'тироз билдиролмай, Жанубий Африкада майда миллатни ташкил этган ҳиндларнинг та'қиб этилиши тўғрисидаги масала Бирлашган миллатлар ташкилотида муҳокама қилиниши сабабли Сулҳ Конференциясида бу ҳақда гапириш керак эмас, деди. Жанубий Африка Иттифоқининг вакили бу блан Жанубий Африка Иттифоқидаги ҳиндларнинг ирқий жиҳатдан та'қиб этилаётганлигини э'тироф қилгандай бўлди ва ўзининг австралиядаги шериги келтирган далилни чиппакка чиқариб қўйди.

Австралия делегацияси ноқулай аҳволда қолганлиги учун, Австралия вакили тўсатдан мажлисни ёпишни таклиф қилди. Комиссия мажлисига келган Австралия вакили, конференция секретариатининг а'зоси Ходсон бу таклифни қувватлади. Ходсон секретариат комиссияларда тузатишларни муҳокама қилиш тартибини ўзгартиришни, я'ни бирқанча шартномаларга тааллуқли тузатишларни «алоҳида комиссия»га ҳавола қилишни тавсия этди, деди. Ходсон мажлисни кечиктиришни ва умумий бир комиссияда бирқанча шартномага тааллуқли тузатишларни қабул қилиш тартиби тўғрисида қарор чиқарилишини кутишни таклиф этди.

Бу таклиф қабул қилинмади.

Австралия вакилига Украина ва Чехословакия вакиллари томонидан берилган саволларга жавоб қайтармаслик иложи бўлмади. У, Петровскийнинг саволига жавоб қайтариб айтдики, Австралия делегациясининг таклиф қилган тузатиши Румонияда вақтинча яшовчи ажнабийларни эмас, балки майда миллатларни назарда тутади. Австралия вакили Чехословакия вакили томонидан берилган савол ёзма шаклда топширилсин деб илтимос қилиш блан чекланиб, унинг саволига жавоб қайтаришдан бўйин товлади. Австралия вакили «шундай қилинганида бу масалани яхши ўрганиш ва шу тўғрида иҳтиёткорлик блан тўғри жавоб қайтариш мумкин» деди. Комиссиянинг мажлиси учун белгиланган вақт тамом бўлганлиги сабабли мажлис ёпилди.

Шундай қилиб, комиссия сулҳ шартномаси лойиҳасини муҳокама қилишда бир қадам ҳам илгари силжимади.

✦

Венгрияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўручи комиссия ҳам ҳеч қандай қарор қабул қилаолмади. Бу комиссия мажлисида ҳам сулҳ шартномаси лойиҳасининг кириш қисми муҳокама қилинган эди.

Мажлис бошланган чоқда комиссия раиси Чехословакия ва Австралия делегациялари томонидан тузатишлар олинганини, шунингдек Венгрия делегациясининг мулоҳазалари борлигини билдирди.

Чехословакия вакили бундай деди: Чехословакия делегацияси лойиҳанинг кириш қисмида, Венгрия уруш тайёрлашда Германиянинг шериги бўлган эди ва Хорти Венгрияси Германия блан биргаликда босқинчилик сиёсатини амалга ошириб, Чехословакия ва Югославиядаги бирқанча районларни босиб олди ва бу районларда босмачиликдан иборат оккупация тартибларини жорий қилди, деб та'кидлаш лозим деб ҳисоблайди. Чехословакия вакили Венгрияда ҳукмрон тўда тарғиб қилаётган босқинчилик кайфиятлари ҳали ҳам кучли эканлигини ва бундай кайфиятлар шу вақтгача тамомила йўқотилмаганлигини эсга солиб ўтди.

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Украина, Югославия вакиллари Венгриядаги илгариги ҳукмрон тўданинг агрессиячилик роли ҳақида гапирдилар ва урушда Чехословакиянинг берган қурбонларини айтдилар. Аммо мунозара қатнашчилари сулҳ шартномасининг кириш қисмини ортиқча тафсилотлар блан тўлдирмасликни тавсия этдилар ва сўзга чиққан нотиқларнинг фикрларини протоколда қайд қилиш блан чекланишни таклиф қилдилар. Чехословакия вакили бу таклифга қўшилди.

Комиссия Венгрия делегациясининг баёнотини муҳокама қилишга киришди. Венгрия делегацияси лойиҳанинг кириш қисмида «Венгрия Германияга қарши урушни муваффақиятли тамомлашга имкон берди» деб та'кидлашни илтимос қилди. Совет делегациясининг вакили Гусев урушнинг сўнгги даврида Венгриянинг ҳатти-ҳаракатига ижобий баҳо бериб, лойиҳанинг кириш қисмига бу тўғрида алоҳида илова қўшиш зарурати йўқ, деди.

Комиссия а'золари Венгриянинг мулоҳазаларини қувватламадилар ва шу сабабдан бу мулоҳазалар қабул қилинмади.

Комиссия Австралия делегациясининг тузатишларини қараб чиқишга киришди. Бу тузатишлар Румонияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўручи комиссияга тақдим этилган тузатишларга ўхшар эди. Австралия вакили ўз тузатишини муҳокама қилмай қабул эттиришга уриниб кўрди. Бу тузатиш сулҳ шартномаси лойиҳасининг кейинги моддаларидан бирида айтилган та'бирни бирмунча такрорлар ва чалкаштирар эди. Австралия вакили ўз тузатишларини Бош комиссиянинг муҳокамасига ҳавола қилишни таклиф этди. Буюк Британия делегацияси бу таклифни қувватлади.

Гусев совет делегацияси номидан гапириб, тартибот қоидаларига мувофиқ, бирор комиссияга топширилган тузатишларни даставвал қараб чиқиш Бош комиссиянинг вазифаси эмас, деди. Австралия делегацияси тавсия этган тартиб қабул қилинса, у ҳолда Бош комиссия бошқа ҳамма комиссияларнинг ўрнини босиб кетган бўлур эди, деди. Гусев бундай деди: «Биз конференция тасдиқлаган тартибот қоидаларига амал қилишни таклиф этамиз. Австралия делегациясининг тузатиши бу комиссия муҳокамасига қўйилган экан, масалани шу ернинг ўзида ҳал этиш керак». Чехословакия ва Югославия вакиллари совет вакилининг фикрини қувватладилар.

Шу блан комиссия мажлиси ёпилди.

ИТАЛИЯГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 24 август (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир иқтисодий масалаларни кўручи комиссия бугун тушдан кейин сулҳ шартномаси лойиҳасидаги иқтисодий моддаларнинг дастлабки муҳокамасига киришмоғи керак эди. Аммо делегациялар томонидан киргизилган тузатиш ва таклифларнинг барча комиссия а'золарига шу вақтгача ма'лум қилинмаганлиги аниқ бўлди. Ҳолбуки бу тузатиш ва таклифларни топшириш муддати 20 август ярим кечадаёқ тамом бўлган эди. Шунга биноан комиссиянинг ба'зи а'золари мажлис барча материаллар олинганига қадар кечиктирилсин деб талаб қилдилар.

Аммо Франция ва Америка Қўшма Штатларининг вакиллари, товон масаласининг жиддий муҳокама қилинишини кутмай, товон юзасидан кичик комитет тузишни таклиф қилдилар. Буюк Британия вакили буларнинг таклифини қувватлади.

Совет делегациясининг вакили Вишинский бу таклифга қарши э'тироз билдириб айтдики, товон юзасидан кичик комитет тузиш масаласини шу масала юзасидан делегациялар томонидан киргизиладиган тузатиш ва таклифларни муҳокама қилиш муносабати блан ҳал этиш ма'қул; бу масалалар ва таклифлар делегацияларга тарқатилмаганлиги сабабли кичик комитет тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиш имкони йўқ, чунки тузатишлар муҳокама қилинган вақтдагина умуман кичик комитет керакми, агар шундай комитет тузиш лозим бўлса, у қандай ишлар блан машғул бўлиши керак, деган масала равшан бўлиб қолади.

Узоқ давом этмаган мунозара натижасида кичик комитет тузмасликка қарор қилинди. Тузатишларнинг муҳокамаси душанба кунига қолдирилди. Барча делегациялар ўша вақтгача бу тузатишларни олиши керак.

Греция ҳукуматининг сиёсати халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилмоқда

Д. З. Мануильскийнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош секретари Трюгве Лига юборган телеграммаси

ПАРИЖ, 24 август (ТАСС). Украина Совет Социалистик Республикасининг Ташқи Ишлар Министри Д. З. Мануильский Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош секретари Трюгве Ли жанобларига қуйидаги телеграммани юборди:

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош секретари Трюгве Ли жанобларига. Нью-Йорк.

Украина Совет Социалистик Республикаси ҳукуматининг топшириғига биноан Хавфсизлик Кенгашига қуйидаги баёнот блан мурожаат қилиш шарафига муяссарман.

Сўнгги вақтда, айниқса Париж Сулҳ Конференцияси ўз ишини бошлагандан буён, Грециядаги ҳозирги ҳукуматнинг мас'улиятсизлик блан олиб бораётган сиёсати натижасида Болқонда шундай вазият юз бердики, бу — Европанинг шу қисмида тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид қилади ҳамда тинчликнинг астойдил тарафдорларини ҳақли равишда ташвишга солади.

Даставвал, Греция ҳукумат органларининг ёрдами ва рағбатлантириши блан Греция-Албания чегарасида грек қуролли қисмлари томонидан иғвогарлик мақсадида қилинаётган жуда кўп чегара жанжаллари ташвишга солади.

Грек отрядлари Албания чегара соқчиларини, шунингдек чегара яқинидаги районларда дала ишларида банд бўлган албан деҳқонларини доимо ўққа тутмоқдалар.

Албания блан қуролли жанжал чиқариш, шу жанжал баҳонаси блан Албаниянинг жанубий қисмини Греция фойдасига ажратиб олиш мақсадида грек қуролли тўдаларининг Албания тупроғига бостириб кириш ҳодисалари тобора кўпаймоқда.

Бунинг устига, Грециядаги ҳозирги ҳукумат вакилларининг халқ олдида сўзлаган нутқларида ва матбуотда, шунингдек Париж Сулҳ Конференцияси минбаридан гапирган сўзларида Грециянинг Албания блан гўё уруш ҳолатида эканлиги тўғрисида қайта-қайта айтаётган баёнотлари вазиятни яна ҳам кескинлаштиради.

Шу блан бирга Греция ҳукуматининг Македония, Фракия ва Эпирда яшовчи озчиликни ташкил қилган миллатларни та'қиб қилиши ҳам ташвишга солади. Грециядаги ҳозирги ҳукуматнинг бу миллатлар учун ўрнатган усул идораси айниқса қаттиқ бир тартибдир. Миллий жабр-жафо ва ирқий ҳақоратнинг тоқат қилаолмайдиган зулми остида қолган ўн мингларча македониялилар, булғорлар, фракиялилар, албанлар қўшни давлатларда бош пана қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Улар тамомила қирилиб кетиш хавфидан қочиб, азалдан яшаб келган ерлардан кўчиб кетишга, ўз уйларини ва мол-мулкларини ташлаб кетишга, шу блан Грециядан ташқарида муҳтожликда саргардон бўлиб юришга мажбур қилинмоқдалар.

Ўтмишда Болқондаги урушлар ана шундай миллий низо'ларни қизитиш йўли блан тайёрланилар эди. Ана шу мудҳиш эски сиёсатнинг яна қизитилиши Болқон ярим оролини тағин ҳам кескин жанжаллар ўчоғига айлантириш ва халқаро қийинчиликлар туғдириш хавфини вужудга келтиради.

Ўтакетган грек монархистларининг азалдан албанларники бўлган ерларни Албаниядан ажратишни ва Болқонни қайтадан бўлишни талаб қилиб олиб бораётган ҳаддан ташқари пропагандаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Грециядаги ҳозирги ҳукуматнинг ана шундай сиёсати туфайли Болқонда юз берган бу аҳволга даставвал Грецияда инглиз қуролли кучларининг бўлиши ва инглиз ҳарбий вакилларининг агрессив монархист унсурлар манфаатини кўзлаб, айниқса Грецияда усул идора шаклини белгилаш учун шу йил 1 сентябрьда ўтказиладиган умумий овоз беришга тайёргарлик ишида бу иттифоқчи мамлакатнинг ички ишларига бевосита аралашувлари қулайлик беради.

Мамлакатда иттифоқчилар томонида туриб босқинчиларга қарши мардларча курашган грек ватанпарварларига қарши кўпчилиги немис ва итальян босқинчилар блан ҳамкорлик қилган унсурларни қўллаб-қувватловчи чет эл қўшинлари тургани ҳолда бундай шароитда умумий овоз беришнинг ўтказилиши иттифоқчи давлатларнинг уруш вақтида, шунингдек урушдан кейин э'лон қилган ҳарбий мақсадларига хилофдир.

Бу ҳол Бирлашган миллатлар Уставида баён қилинган мақсад ва принципларга, жумладан бу Уставнинг биринчи моддасидаги 2нчи бандига ҳам хилофдир. Уставнинг бу моддаси ҳарбир халқнинг ўз тақдирини, шунингдек ўз усул идораси шаклини эркин белгилаш ҳуқуқини э'тироф қилади.

Шу юқорида баён қилинган сабабларни назарга олиб, Бирлашган миллатлар Уставининг 35-нчи моддаси 1-нчи параграфи асосида, Бирлашган миллатлар Уставининг 34-нчи моддасида кўзда тутилган тусдаги мазкур аҳволни Хавфсизлик Кенгашига билдириш ва сиздан Греция ҳукуматининг сиёсати натижасида Болқонда юз берган ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган аҳвол тўғрисидаги масалани Хавфсизлик Кенгашининг яқинда бўладиган мажлисининг рўзномасига киритишни ва тинчликка таҳдид қилаётган бу хавфни бартараф қилиш мақсадида Хавфсизлик Кенгашида дарҳол чоралар кўришни сўраш шарафига муяссарман.

Украина Совет Социалистик Республикасининг Ташқи Ишлар Министри
Д. МАНУИЛЬСКИЙ.

УКРАИНА ССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ЎРТОҚ МАНУИЛЬСКИЙ ҲУЗУРИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ, 24 август (ТАСС махсус мухбиридан). Париж Сулҳ Конференциясидаги Украина делегациясининг бошлиғи, Украина ССР Ташқи Ишлар Министри Мануильский матбуот конференцияси чақирди.

Жуда кўп матбуот вакиллари қатнашган конференцияда Мануильский қуйидагиларни айтди:

— Сўнгги вақтда Париж Сулҳ конференциясида Албания блан Греция ўртасида қизиб кетган мунозара кенг жамоатчиликнинг э'тиборини ўзига тортди, Украина ССР Болқон блан чегарадошдир, шу сабабдан Болқонда хавфсизликни сақлаш масалалари бизни биринчи навбатда қизиқтирганлиги табиийдир. Ниҳоят, биз бошқаларга нисбатан агрессив сиёсат қўлланишга интилаётган айрим мамлакатларнинг халқаро хавфсизликка таҳдид қилишини унута олмаймиз.

Шу муносабат блан ўртоқ Мануильский матбуот вакилларига Украина ҳукумати томонидан Бирлашган Миллатлар Бош секретари Трюгве Лига юборган (газетамизнинг бугунги сонида босилди) баёноти тўғрисида ахборот берди.

Шу ахборотдан кейин Украина ССР Ташқи Ишлар Министри матбуот вакиллари томонидан берилган бирқанча саволларга жавоб қайтарди.

Лондондаги Польша элчихонасининг баёноти

ЛОНДОН, 23 август (ТАСС). 22 августда Лондондаги Польша элчихонаси матбуотга э'лон қилиш учун баёнот топширди. Бу баёнотда қуйидагилар айтилади: «Чет элларда қолаётган кўпгина поляк гражданларининг бирнеча йил муҳожирликда бўлиш натижасида руҳан кечираётган азоблари ўз истиқболларининг ва низом-қоидаларнинг муайян бўлмаслиги орқасида тобора кўпайди. Польша ҳукумати ана шу поляк гражданларининг тақдири ва бахт-саодати тўғрисида ҳақли суратда ғамхўрлик қилиб, поляк кўчманчи корпуси тўғрисида 8 августда инглиз элчисига топширилган нотада Англия ҳукуматига адолатли амалий таклифлар блан мурожаат этди. Шу вақтгача бу нотага ҳеч қандай жавоб олинмади ва Англия ҳукумати бу нотанинг текстини э'лон қилмади. Аммо Польша ҳукуматига Англия ҳукуматининг нотаси топширилди. Бу нота Польшанинг фақат ўз ички масалаларига тааллуқлидир. Бу нота Польша ҳукуматига етиб келиши бланоқ дарҳол ҳаммага э'лон қилинган. Польша сиёсий доиралари бу ҳужжатнинг ифодаси ва мазмунидан таажжубланганликларини яшира олмайдилар.

Шу муносабат блан қуйидаги фактларни эсга солиб ўтиш зарур: биринчидан, Потсдам битимида буюк давлатлар Польша ҳукуматининг ҳеч мони'сиз, эркин сайловлар ўтказиш ниятида эканлигини э'тироф қиладилар, деган сўзлардан бошқа гап айтилган эмас. Польша ҳукумати ҳеч мони'сиз, эркин сайловларни яширин овоз бериш йўли блан умумий сайлов ҳуқуқи асосида мумкин қадар тезроқ ўтказишга рози эканлигини ва барча демократик партиялар ҳамда нацистларга қарши партиялар бу сайловларда қатнашиш ва ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланажакларини кўп марта расмий суратда та'кидлаган эди. Потсдам битимига мувофиқ, иттифоқчи мамлакатлар матбуотининг вакиллари Польшадаги воқиалар тўғрисида сайловларгача ва сайлов вақтида бутун дун'ёни тамомила эркин суратда хабардор қила оладилар. Аммо бу битимда Польша сайлов қонунини ёки поляк партияларининг сиёсатини контроль қилиш кўзда тутилмаган эди. Сайлов қонуни яқинда бўладиган сессияда Крайова Рада Народова томонидан овозга қўйиш блан тасдиқланади. Бу сайлов қонуни ғарбдаги кўп мамлакатларнинг сайлов қонунига нисбатан, шубҳасиз, кўпроқ демократик руҳдаги сайлов қонуни бўлади. Англия нотасида сайлов қонунини контроль қилиш ёки бу қонун тўғрисида ўз фикрини билдириш ҳақидаги талаб Потсдам битимига ҳам, ҳар қандай суверен давлатнинг ҳуқуқларига ҳам мутлақо тўғри келмайди».

Сўнгра, баёнотда бундай дейилади: Польша ҳукумати 15 апрельдан бошлаб Англия ҳукуматига расмий хабар бериб, сайловлар шу йилнинг куз фаслига тайинланганлигини ва сайловлар кунини белгилаш Польшанинг ички иши, Крайова Рада Народованинг ихтиёридаги иш эканлигини ва Крайова Рада Народованинг сессияси 31 августда бошланажагини билдирган эди. Англия ҳукуматининг бу масала юзасидан юборган нотасида расмий суратда берилган ана шу хабарларга э'тибор қилинмаган бўлса керак ва Англия ҳукумати бўлажак сайловлар тўғрисида матбуотнинг туманли хабарларини ўқиб хабардор бўлган деган фикр туғилади.

Польша элчихонаси ўз баёнотида қуйидагиларни айтади: «Англиянинг нотаси сайловларгача бўладиган ишларни ажнабий давлатлар назорати остига олиш йўлидаги урунишгина бўлиб қолмай, балки Польшадаги партияларнинг ички сиёсатига очиқдан-очиқ аралашиш ва ба'зи партияларга дипломатия йўли блан очиқдан-очиқ ёрдам бериб, Польшанинг сиёсий ҳаётида муайян йўл тутишини ҳам кўзда тутади».

Баёнотда айтилишича, Потсдам битимига мувофиқ, уч давлат чет элларда бўлган ва Польшага қайтишни истаётган барча полякларнинг Польшага қайтишларини енгиллатишда Польша ҳукуматига ёрдам беришлари керак. Баёнотда айтилади: «Бу мажбуриятларни кўпданоқ бажариш керак эди. Ҳар қандай узурсиз сабаблар блан бу мажбуриятларнинг бажарилиши доим кечиктирилмоқда. Бу ҳол Польшани тезликда қайтадан қуришга жиддий тўсқин бўлмоқда ва сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволни яхшилашга зарар етказмоқда». Польша ҳукумати ўз юртларига қайтиш тўғрисида ҳозирча қат'ий қарорга келмаган илгариги поляк аскарларининг эҳтиёжларини билгани ҳолда, уларни граждан касбларига ўргатувчи муассасаларнинг ташкил этилишига қарши бўлмаслигини та'кидлаб, элчихона қуйидагиларни баён қилади: аммо Польша ҳукумати поляк гражданларининг ҳарбий тусда бўлган ташкилотларда эмас, балки айрим профессионал гуруҳлар доирасида ўргатилиши тўғрисида ва'да олишни истар эди. Ҳолбуки Польша ҳукумати Англия ҳукуматининг берган ва'даларига қарамай, поляк кўчманчилар корпуси тўғрисидаги план илгариги поляк қисмларини чинакам бўшатиб юборишдан иборат бўлмай, балки уларни сақлаб қолиш планидан иборат бўлиб қолиши эҳтимоли борлиги тўғрисида ташвишланганлигини илгариёқ ма'лум қилган эди. Баёнотда бундай дейилади: «Генерал Андерс ва генерал Копанскийнинг баёнотини хусусий декларация деб қараш мумкин эмас. Уларнинг баёноти поляк кўчманчи корпусининг ҳарбий тусда бўлишини кўрсатади. Ҳарбий қўмондонликнинг ва илгариги ҳарбий қисмларнинг сақланганлиги, поляк офицерларининг команда лавозимларида қолдирилганлиги ва ҳарбий унвон ҳамда ҳарбий кийимларнинг сақланганлиги поляк кўчманчи корпусининг ҳарбий тусда ташкил этилганлигини яна бир марта тасдиқлайди. Агар махсус корпус шу тарзда тузиладиган бўлса, у ҳолда битимни имзолаган ва бу корпусга кирган ҳарбир поляк граждани Польшанинг 1920 йил 20 январьда гражданлик тўғрисида қабул қилинган қонунини бузган бўлади. Бу қонунда айтилади: «Польша ҳукуматининг розилиги бўлмай туриб, ажнабий давлатда жамоат лавозимларини эгаллаган ёки ҳарбий хизматга кирган кишилар Польша гражданлигидан чиқариладилар». Польша ҳукумати поляк кўчманчи корпусига кирадиган поляк гражданларига нисбатан, — башарти бу корпус ҳарбий тусда бўлса,— шу қонунни бемалол қўллаш ҳуқуқини сақлаб қолади ва бундай корпуснинг тузилиши Польша блан Англия ўртасида дўстона муносабатларнинг кучайишига зарар етказади деб қарашга мажбур бўлади».

Польша элчихонасининг вакили матбуот конференциясида берилган саволларга жавоб қайтариб айтдики, Польша ҳукумати Потсдам битими уч буюк давлат Польша ҳукуматини муайян шартлар блангина таниганлигини кўрсатади деб ҳисоблай олмайди. Потсдам битимида ажнабий давлатларнинг сайловларни кузатиб туриши ёки сайлов қонунини контроль қилиши ҳақида ҳеч қандай низом йўқ.

Польша элчихонасининг вакили бошқа бир саволга жавоб қайтариб бундай деди: Крайова Рада Народова ўзининг сайлов қонунида Варшавадаги инглиз элчихонасини сайловларда қатнашучи еттинчи поляк партияси деб қарашга рози бўлади деб ўйламайман.

ЮГОСЛАВИЯ ҲУКУМАТИНИНГ АХБОРОТИ

БЕЛГРАД, 23 август (ТАСС). Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукуматининг бош секретариати бугун кундузи қуйидаги ахборотни чиқарди:

«Крань яқинида Америка аэропланининг мажбурий суратда қўндирилишига доир иш текширилиб бўлгандан кейин тегишли ма'мурлар Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукуматининг фармойишига мувофиқ 21 августда Америка учувчиларини ва йўловчиларини бўшатиб юбордилар ва 22 августда эрталаб соат 7 дан 30 минут ўтганда уларни Люблянадаги Америка консули қабул қилди.

Шу муносабат блан маршал Тито Американинг бу масала юзасидан берган ультиматум нотасини асоссиз бўлганлиги учун рад этди.

Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳукумати Америка ҳарбий ма'мурларига 9 августда Крань яқинида қўндирилган аэропланни олиб кетишга ҳам рухсат берди».

Мас'ул муҳаррир:
С. РАЖАБОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 27 августда кечқурун ва 28 августда кундуз **Қалтис ҳазил,** 28 августда кечқурун **Муҳаббат.**

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 27 августда **Кармен.** 4 пардали опера. Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади.

28 августда **Лайли ва Мажнун.**

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА («Пушкин» боғи, ёзги театр) — 28 августда **Тоҳир ва Зуҳра.**

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА (Ҳамза кўчаси, 8-нчи уй) — 27 август кундуз соат 4 да **Шерзод ва Гулшод,** кечқурун соат 9 да **Тоҳирнинг ханжари.**

28 август кундуз соат 12 да **Шаҳзода Иван ҳақида эртак,** кундуз соат 4 да **Шерзод ва Гулшод,** кеч соат 9 да **концерт.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Безовта хўжалик,** 28 августдан **Кечаларнинг бирида;** «НАВОИЙ» — **Аламаслар дараси;** «9-нчи МАЙ— **Насриддин афанди,** 28 августдан **Сирли кристалл;** «ОКТЯБРЬ» — **Осмон секинюрари;** «ВАТАН» — **Буюк бурилиш;** «ХЕВА» — **Гумаштанинг синглиси;** «ИСКРА» — **Озод қилинган ер;** «УДАРНИК» — **Тракторчилар;** «ТЕЛЬМАН» — **Икки жангчи;** «ПОБЕДА» — янги бадиий фильм **Қасам;** «ВЕСНА» — **Ҳукумат а'зоси.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Шўх йигитлар;** «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Тўй;** «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун **Безовта хўжалик.** 28 августдан **Тўрт юрак;** «ПОБЕДА» — **Чапаев** (ўзбек тилида). 28 августдан **Сенга. Фронт.**

УРТА ОСИЕ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ТАЙЕРЛОВ БУЛИМИГА
УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати бир йил бўлиб, 9 синфни битирган кишилар қабул қилинади.

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади.

Тайёрлов бўлимини битирган ўқувчилар университетнинг хоҳлаган факультетига кира оладилар.

Кирувчилар университет студентлари блан бир қаторда ошхона ва бошқа та'минотдан фойдаланадилар.

Кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: 1) 9-нчи синфни битирганлиги ҳақида справка, 2) учта фотокарточкаси, 3) соғлиғи ҳақида справка, 4) таржимаий ҳоли.

Ўқиш 1946 йил 1 сентябрьда бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 35-нчи уй, САГУ қабул комиссияси.

СССР Автомобиль саноати министрлиги ҳузуридаги Бутун Иттифоқ давлат тресты «Союзподшипниксбыт»нинг подшипниклар тарқатувчи Ўрта Осиё конторасы ташкил қилинди.

Ташкилот ва корхоналар, шунингдек айрим кишилар
ўзларига зарур миқдор
ШАРИКОПОДШИПНИКЛАР ТЎҒРИСИДА
қуйидаги жойга
ЗАЯВКА БЕРСИНЛАР:

Тошкент шаҳар, Максим Горький кўчаси, 14-нчи тупик, 15-нчи уй. Телеграмма юбориш учун адрес: Тошкент, Союзподшипниксбит.

СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг
САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНИКУМИ
1946—47 ўқув йили учун биринчи ва юқори курсларга
УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда қуйидаги бўлимлар бор: а) Технология бўлими—консерва, қанд, вино мой-ёғ ихтисосларидан тайёрлик беради; б) Тепломеханика бўлими; в) Тамакичилик бўлими.

Техникумга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади. Биринчи курсга камида 7 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган кишилар қабул қилинади.

Кирувчилар математика, рус тили ва СССР Конституциясидан имтиҳон берадилар. А'лочилар имтиҳонсиз қабул қилинади. Урта мактабнинг 9 синфини битирганлар ҳам 2-нчи курсга имтиҳонсиз қабул қилинади. 10 синфни битирганлар эса ўқиш муддати 2 йиллик махсус группаларга қабул қилинади.

Техникумда СССР озиқ-овқат корхоналари учун технолог техниклар, механик техниклр ва тамакичилик техниклари тайёрланади.

Ўқувчилар стипендия ва ошхона блан, бошқа жойлардан келганлар ётоқ блан ҳам та'минланадилар.

Ўқиш 1946 йил 1 сентябрьда бошланади.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб бериш лозим: 1) ма'лумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 2) туғилганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 3) соғлиғи ҳақида справка, 4) таржимаий ҳоли, 5) учта фотокарточкаси, 6) ҳарбий хизматга муносабати бўлганлар шу ҳақдаги справкани ва паспортни ўзлари блан олиб келадилар.

Адрес: Самарқанд шаҳар, Аҳолиқ кўчаси, 28-нчи уй.

СССР Геология министрлигининг
Ўзбекистон давлат геология бошқармаси
лойиҳа тузучи ва бинокорлик ташкилотларига билдирадики,
ТОШКЕНТ ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИЯ ПАРТИЯСИ ИШГА БОШЛАДИ.
Бу партия Тошкент шаҳри территориясида ва унинг ёнидаги районларда
шартномага мувофиқ
ҳархил инженерлик-геология ва гидрогеология текшириш ишларини бажаради.

Шу ишларга буюртма бериш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 11-нчи уй, Ўзбекистон геология бошқармаси. Телефон — 32039, 38257.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 12 бўлим халқ суди билдирадики, Н. Баҳодировнинг М. Баҳодировадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 15 бўлим халқ суди билдирадики, А. Тошпўлатовнинг Қ. Раҳимовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 15 бўлим халқ суди билдирадики, М. Аҳмаджоновнинг М. Худойбергановадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: мас'ул муҳаррир ва унинг қабулхонаси — 36545, мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32916, мас'ул секретарь — 31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468, партия бўлими — 34780, совет қурилиши бўлими — 31226, қишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг № 62 Р 04828